Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 69 (5060).
28 МАРТ 1983 й. ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади. Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ю. В. АНДРОПОВнинг

«Правда» мухбири саволларига жавоблари

Савол. 23 март куни президент Рейган АҚШ ҳарбий сиёсати масалаларига доир узундан-узоқ нутқ сўзлади. Сиз бу нутққа қандай баҳо берасиз?

Жавоб. Кейинги вақтларда Вашингтондан бир нарсага — ҳарбий тайёргарликларга, ҳарбий программаларга, қуролларнинг янги турларини яратишга бағишланган нутқлар оқими сира тўхтовсиз оқиб чиқмоқда. Президент бу сафар ҳам худди шу ҳақда гапирди.

Президентнинг эслатиб ўтилган нутқи афтидан Қўшма Штатларда одамларнинг ўй-фикри ва кайфиятларига таъсир ўтказишга, у ерда маъмуриятнинг урушқоқлик йўли муносабати билан ортиб бораётган ташвишни бостиришга уриниб кўриш учун сўзланган бўлса керак. Президент айтган гапларга американликларнинг ўзлари қандай баҳо беришлари уларнинг иши, албатта.

Аммо президентнинг айтган гаплари американликларгагина тааллуқли эмас. Чунки нутқнинг бутун моҳияти Америка зўр бериб қуролланиши, дунёда ҳарбий жиҳатдан устун давлат бўлиб қолиши керак, деган фикрдан иборатдир. Бунда ана шу гегемончилик даъволарини асослашга интилиб Совет Иттифоқи сиёсатини шу қадар ҳаёсизларча бузиб кўрсатишга йўл қўйилмоқда, шу қадар нопок усуллар қўлланилмоқдаки, очиғини айтганда, бошқа давлатлар билан иш юритиш стандартлари тўғрисида президентнинг тасаввурлари қандай экан, деган савол туғилади.

Президентнинг гапига қулоқ солсангиз, гўё АҚШ ҳамма жойда, ҳатто ўз биқинига яқин жойда ҳам Совет Иттифоқидан заифроқ эмиш. Буларнинг ҳаммасига СССР кейинги йигирма йил мобайнида гўё ўзининг қуролли кучларини жадал суръатлар билан кўпайтирганлиги, Қўшма Штатлар эса гўё қўл қовуштириб ўтириб, унинг қуролли кучлари тушкунликка учраганлиги сабаб бўлган эмиш.

Дарҳақиқат, СССР ўзининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлади. Совет территорияси яқинида ҳарбий базаларни жойлаштириш, ядро қуроли ва бошқа қуролларнинг тобора янги турларини яратиш борасида АҚШ жон-жаҳди билан иш кўрганлиги сабабли, Американинг ҳарбий устунлигини тугатиш учун СССР шундай қилишга мажбур бўлган эди. Вашингтондагилар ана шу ҳарбий устунликни ҳозир жуда қўмсаб қолдилар. Эришилган ҳарбий-стратегик мувозанат АҚШни бизга нисбатан ядро таҳдиди билан шантаж қилиш имкониятидан маҳрум этди. Бу мувозанат — тинчликнинг ишончли гарантияси бўлиб, уни сақлаб қолиш учун биз ҳамма ишни қиламиз.

Гўё Қўшма Штатлар кейинги йигирма йил ичида ҳеч нарса қилмай, қўл қовуштириб ўтирди, деган даъволарга келганда шуни айтиш керакки, бунга фақат гўл кишиларгина ишонишлари мумкин. Буни тасдиқлаш учун баъзи энг муҳим фактларга мурожаат этамиз.

Маълумки, айни шу давр мобайнида Америка стратегик кучларида кескин сифат ўзгаришлари рўй берди. АҚШ ўзининг баллистик ракеталарида ажраладиган портловчи қисмларни ўрната бошлаганлигини айтиб ўтиш кифоя. АҚШ ракета қуроллари пойгасининг янги даврасини бошламаслик учун бундан воз кечишга бизнинг зўр бериб қилган даъватларимизга қарамай, шу ишни амалга оширди. Башарти президент музокараларнинг ҳужжатларига назар ташлашга уриниб кўрганида эди, у иш айни шундай бўлганлигига осонгина ишонч ҳосил қилган бўлур эди.

Натижада нима бўлганлигини лоақал шундай бир мисол яққол кўрсатиб турибдики, ана шундай қайта қуролланишдан кейин Америка сув ости кемасидаги битта ракета бир йўла 14 та нишонни йўқ қила оладиган бўлиб қолди. Ҳар бир сув ости кемасида эса 16 та ана шундай ракета бор. Уларнинг жами қуввати Хиросимага ташланган атом бомбаларига ўхшаш қарийб беш юзта бомбанинг қувватига тенгдир.

Умуман, АҚШ гўё ҳеч қандай иш кўргани йўқ, деб президент сафсатабозлик қилаётган даврда АҚШ стратегик қуролларидаги ядро зарядлари сони 10 мингтадан ошиб кетди, ҳолбуки илгари бундай ядро зарядлари 4 мингта эди. Хўш, ядро аслаҳахоналарининг икки ярим баравар кўпайтирилганлигини ҳеч қандай иш кўрилмади, деб айтиш мумкинми? Буни асло ҳеч қандай иш кўрилмади, деб бўлмайди.

Энди Европа тўғрисида гапирайлик. Оқ уй бошлиғининг сўзларига кўра, Европада АҚШнинг ва умуман НАТОнинг аҳволи гўё жуда оғир эмиш. Аммо яна фактларга мурожаат қилинадиган бўлса, худди ўша давр мобайнида биргина Америка ядро қурол-аслаҳаларининггина умумий сони бу ерда уч баравар кўпайганлигига ва ҳозир 7 мингтадан ошиб кетганлигига осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин. Хўш, бу нима, бу ҳам ҳеч қандай иш кўрмаслик натижасими?

Президент ўзини шундай тутмоқдаки, гўё Европа зонасида АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг ўртача олисликка учириладиган салкам мингта ядро воситалари мавжуд эмасдек, гўё унга НАТОнинг ана шу воситаларидаги ядро зарядларининг жами миқдори СССРга нисбатан бир ярим баравар устунликка эга эканлиги маълум эмасдек.

Президент мана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида лом-мим демаётганлигидан ташқари, у, Совет Иттифоқи ўртача олисликка учириладиган ракеталарни жойлаштирмай туриш тўғрисида ўзи бир томонлама тартибда эълон қилган мажбуриятига амал қилмаяпти, деб даъво қилиб, ғирт ёлғон гапни айтмоқда.

У Американинг ўртача олисликка учириладиган қурол-яроғлари бирон-бир бошқа жойда эмас, балки деярли бизнинг бўсағамизда турганлиги тўғрисида ҳам чурқ этмаяпти. Ҳолбуки, шу нуқтаи назардан биз учун ана шу қуроллар билан АҚШ территориясида жойлашган стратегик қуроллар ўртасида фарқ йўқ. Бу эса фақат Европагагина тааллуқли эмас. СССРнинг бутун периметри бўйлаб Американинг неча юзлаб учирувчи ракеталари жамланган бўлиб, улар бизнинг территориямизга ядровий зарба бера олади. Пентагоннинг расмий равишда эълон қилинган режаларига кўра эса, бундай ракеталарнинг сони кўп баравар оширилиши керак. Олисга учириладиган қанотли ракеталарнинг ўзидагина 12 мингтадан кўпроғини жойлаштириш кўзда тутилмоқда.

Президент Лотин Америкасидаги мамлакатлардан бирида жойлашган граждан аэропортининг фотосуратини намойиш этиб, буни ҳам АҚШга таҳдид, деб кўрсатишгача бориб етди. Лекин у Қўшма Штатлардан минглаб миль наридаги юзлаб учиш-қўниш полосаларининг фотосуратларини кўрсатмади. Ҳолбуки, бу полосаларда ичида ядро қуроли бўлган, исталган пайтда парвоз қилишга тайёр Америка самолётлари турибди.

Маълум бўлишича, шуларнинг ҳаммаси АҚШдаги ҳозирги маъмурият учун оз эмиш. Ерда, сувда, ҳавода, космосда янада кўпроқ қуролга эга бўлиш учун триллион-триллион долларлар ажратилмоқда. Ҳамма турдаги ядро қуролларини ғоят кўпайтириш мўлжалланган. Президент одатдаги қуролларнинг сифат жиҳатидан янги системаларини яратиш борасида кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилишини ҳам эълон қилди. Бу билан қуролланиш пойгасида яна бир йўналиш очилади.

Бу ишларнинг ҳаммаси «совет ҳарбий хавфига» жавобан қилиняпти, деган кўнгилга тегадиган вайсақиликлар қанчайин такрорланмасин, улар ҳеч кимни чалғита олмаслиги керак. Совет Иттифоқи нимаики қилиб келган ва қилаётган бўлса, шуларнинг ҳаммаси унинг ҳарбий жиҳатдан устунликка эришишга интилаётганлигидан ҳеч бир далолат беролмайди. Америка томони билан биз тузмоқчи бўлган ва тузишга тайёр турган шартномалар ва битимлар мувозанатни бузмаган ҳолда, яъни СССРнинг ҳам, АҚШнинг ҳам хавфсизлигига зарар етказмаган ҳолда ядровий қарама-қаршилик даражасини пасайтиришга қаратилган.

Айни шу мақсадни аниқ-равшан қайд этган СКЧ-2 шартномасини жарга қулатганларнинг эндиликда сулҳпарвар бўлиб кўринишга уринишлари муносиб эмас. Улар Европада Совет Иттифоқи ва НАТО блокида баравар миқдорда ракеталар, баравар миқдорда самолётлар бўлсин ёки у ерда ўртача олисликка учириладиганми, тактикми, умуман ҳеч қандай ядро қуроли бўлмасин, деган таклифларимизни рад этиб туриб ҳам СССРнинг устунликка эришиш иштиёқида эканлиги тўғрисида гапиришаяпти-я. Вашингтоннинг ҳозирги раҳбарлари СССР сиёсатини қоралаш учун қўллаётган усуллар — давлатлар ўртасидаги муносабатларда йўл қўйиб бўлмайдиган усуллардир.

Савол. Президент Рейган аллақандай янги мудофаа концепциясини ихтиро этдим, деган гапларни айтди. Бу амалда нимани билдиради?

Жавоб. Бу гапга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Президент Рейган «Советлар ҳарбий хавфи» тўғрисида обдон сафсатабозлик қилиб бўлгач, АҚШнинг стратегик манфаатларини таъминлаш масаласига бошқача ёндашадиган пайт аллақачон етди, деган мазмунда гапирди ва шу муносабат билан кенг кўламдаги ва юксак самарали ракетага қарши мудофаа системасини ишлаб чиқа бошлашни эълон қилди.

Биринчи қарашда бехабар кишиларга бу нарса ҳатто жозибали бўлиб туюлиши ҳам мумкин — ахир президент чамаси мудофаа тадбирлари тўғрисида гапиряпти-ку. Лекин бу нарса фақат биринчи қарашдагина ва шу масалалар билан нотаниш кишиларгагина шундай бўлиб туюлади. Амалда эса АҚШнинг стратегик ҳужумкор кучлари шитоб билан ривожлантириб, такомиллаштириб борилаверилади ва бу жараён аниқ бир муайян йўналишда — биринчи ядровий зарба бериш потенциалига эга бўлиш йўналишида давом этади. Ана шу шароитларда ракетага қарши мудофаа ёрдамида бошқа томоннинг тегишли стратегик воситаларини йўқ қилиш, яъни шу томонни жавоб зарбаси бериш қобилиятидан маҳрум этиш имкониятига эга бўлиш нияти Американинг ядровий хавф-хатари олдида Совет Иттифоқини қуролсизлантиришга мўлжаллангандир. Бу «янги концепция»нинг ҳақиқий моҳиятига тўғри баҳо бериш учун ана шуни равшан кўра билмоқ керак.

СССР билан АҚШ стратегик қурол-яроғлар проблемасини муҳокама қилишга киришган пайтларида стратегик ҳужум қуроллари билан стратегик мудофаа қуроллари ўртасида бир-биридан ажралмас ўзаро алоқа борлигини улар эътироф этишганди. 1972 йилда мамлакатларимиз ўртасида ракетага қарши мудофаа системаларини чеклаш тўғрисидаги шартнома билан стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги биринчи битим бир вақтнинг ўзида тузилганлиги тасодифий ҳол эмасди.

Бошқача қилиб айтганда, томонлар шу ҳужжатларда ракетага қарши мудофаа соҳасида ўзаро вазминлик билан иш кўришгина ҳужум қуролларини чеклаш ва камайтириш йўлида олға силжишга, яъни умуман стратегик қуроллар пойгасини тўхтатиш ва уни орқага буриб юборишга имкон беришини эътироф этган ва қайд қилгандилар. Энди бўлса АҚШ ана шу ўзаро алоқани узиш мақсадини кўзламоқда. Бундай концепция амалга ошириладиган бўлса, натижада хоҳ стратегик ҳужум қуроли бўлсин, хоҳ стратегик мудофаа қуроли бўлсин, ҳамма турдаги қуролларнинг жиловсиз пойгаси учун амалда йўл очиб берилган бўлур эди. Вашингтон «мудофаа концепцияси»нинг ҳақиқий моҳияти, айтиш мумкинки, тескари томони ана шундай.

Савол. АҚШ президентининг шу нутқи муносабати билан қандай умумий хулоса чиқариш лозим?

Жавоб. Бунга қисқа ва лўнда жавоб бераман — АҚШнинг ҳозирги маъмурияти ниҳоятда хатарли йўлдан боришни давом эттирмоқда. Уруш ва тинчлик масалаларига бунчалик енгилтаклик билан қараб бўлмайди. СССРга нисбатан ҳарбий жиҳатдан устунликка эришиш йўлидаги ҳамма чиранишлар беҳудадир. Совет Иттифоқи бунга ҳеч қачон йўл қўймайди. У ҳар қандай хавф-хатар олдида ҳеч қачон қуролсиз бўлиб қолмайди. Вашингтондагилар бу гапни яхши билиб қўйсинлар. У ердагилар ядро урушида ютиб чиқиш умидида уни қандай қилиб яхшироқ бошлашни кўзловчи янгидан-янги вариантларни ихтиро этишдан тўхташга аллақачон вақт етган. Бу машғулот билан шуғулланиш масъулиятсизликкина эмас, шу билан бирга телбалик ҳамдир.

Президент ўз нутқида аввало, Совет Иттифоқини тилга олган бўлса-да, бу гап барча давлатлар ва халқларнинг манфаатларига ҳам тааллуқлидир. Бугунги кунда Америка раҳбарлари Европа мамлакатларини ядро қуролининг бандиларига айлантиришга уринаётганликларини билиш керак. Вашингтоннинг ҳатти-ҳаракатлари бутун дунёга таҳдид солмоқда.

Бугунги кунда ҳамма куч-ғайрат битта ишга — ядро ҳалокатининг олдини олишга қаратилмоғи керак. Биз Қўшма Штатларни ана шу йўлга ўтишга қатъий даъват этамиз.

ШУ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ XII ПЛЕНУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кун тартибидаги биринчи масала — «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленумининг «КПСС Марказий Комитети май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорлари асосида 1983-1985 йилларда республикада чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича шаҳар партия ташкилотининг вазифалари» юзасидан Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров доклад қилди.

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосаларга амал қилиб, — деб таъкидлади ўз докладида нотиқ, — Тошкент шаҳар партия ташкилоти меҳнат коллективлари куч-ғайратини қишлоқ хўжалигини серунум техника, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига оталиқ ёрдами кўрсатиш юзасидан зиммага олинган мажбуриятларни сўзсиз бажаришга доимо қаратмоқда.

Шу беш йилликнинг фақат ўтган йиллари мобайнидагина Тошкентнинг корхона ва ташкилотлари коллективлари республиканинг оталиқдаги хўжаликларида 15 миллион сўмлик ёрдам кўрсатдилар. Бунинг муайян қисми қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи — чорвачиликни ривожлантиришга сарфланмоқда, унга 9 миллион сўм ажратилган. Масалан, ўтган йили Ленин райони корхона ва ташкилотларининг куч-ғайрати билан Жиззах областида 500 бош чўчқага мўлжалланган бино қурилиши тугалланди. У ерда Фрунзе, Чилонзор, Киров, Ҳамза ва Акмал Икромов районлари куч-ғайратлари билан 800 бош йирик шохли қорамол учун мўлжалланган комплекс қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти Тошкент область партия комитетининг муттасил ёрдамида сўнгги йилларда шаҳар районларида ва корхоналарида ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича қатъий иш олиб борди.

Район партия комитетлари, район Совети ижроия комитетларининг катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари туфайли, шаҳардаги юздан зиёд коллектив куч-ғайрати билан Тошкент область Калинин районидаги «Текстильщик» совхозида шу беш йиллик бошидан буён 20 минг бош чўчқани боқишга мўлжалланган саноат комплексининг икки навбати қуриб битказилди, учинчи навбати қурилиши эса ниҳоясига етмоқда.

Тошкент область, Бўка районидаги «Кремль» совхозида Фрунзе райони 10 минг бош чўчқага мўлжалланган чўчқачилик комплекси қурилишини тезкор суръатларда олиб бормоқда. Ҳамза райони 20 корхона ва ташкилот куч-ғайратини ишга солиб, ҳашар йўли билан пойтахт областининг Паркент районида 2 минг бош йирик шохли қорамолга мўлжалланган чорвачилик хўжалигини бунёд этмоқда. Шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган қарорга мувофиқ шаҳарнинг саккиз райони куч-ғайрати билан Сирдарё ва Жиззах областларининг Ховос ва Зомин районларида иккита — «Октябрь» ва «Чилонзор» ғалла-чорвачилик совхозлари барпо этиш бўйича муайян ишлар олиб бориляпти.

Саноат корхоналари қурилиш, транспорт ва бошқа ташкилотлар ёрдамчи хўжаликларида гўшт етиштиришни тубдан кўпайтириш вазифаси энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозир шаҳар корхоналари ва ташкилотларида 18 та ана шундай ёрдамчи хўжаликлар бунёд этилган. Ҳозир мавжуд бўлган хўжаликлар ишчи ва хизматчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга муайян ҳисса қўшмоқда. Булар — Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш, «Узавторемонт» бирлашмалари, «Узбекгидроэнергострой» трести, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, тўқимачилик комбинатининг ёрдамчи хўжаликларидир.

Бироқ, ҳали белгиланган барча ишлар амалга ошириляпти, деб бўлмайди, негаки, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби ҳали тўла-тўкис қондирилмаяпти. Масалан, Калинин районидаги чўчқачилик комплексининг учинчи навбати ҳанузгача фойдаланишга топширилмади. Ҳолбуки, у ўтган йилнинг июль ойида ишга туширилиши керак эди. «Октябрь» ва «Чилонзор» ғалла-чорвачилик совхозлари барпо этиш асоссиз суратда чўзиб юборилмоқда. Тошкент областининг Бўка ва Паркент районларида, шаҳарнинг Фрунзе, Ҳамза, районлари қураётган чорвачилик комплекслари қурилишини тезлаштириш даркор.

Ўзининг ёрдамчи хўжалигини ташкил этмаган йирик корхоналар ўртасида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Узбексельмаш» ва «Союзхлопководства» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг шаҳарда жойлашган бошқа корхоналари бор.

Баъзи хўжаликларда ажратилган ерлар суст ўзлаштириляпти, молларнинг маҳсулдорлиги паст. Озиқ-овқат базасини мустаҳкамлашга ҳамма жойда ҳам етарли даражада эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Ўтган йили умумий овқатланиш Бош бошқармаси бўйича ҳам, умуман шаҳар бўйича ҳам пичан, илдиз мевалари ва кўк майса тайёрлаш топшириқлари бажарилмади.

Озиқ-овқат программасини бажариш бутун партиямизнинг, барча совет халқининг ишидир, — деб таъкидлади докладчи ўз сўзининг охирида. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга, меҳнаткашларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ишида партия ташкилотларининг авангардлик ролини муттасил ошириб бориш омма ўртасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларимизнинг асосий мазмуни бўлмоғи керак. Ҳозирги пайтда энг муҳими куч-ғайратларни ёрдамчи хўжаликлар сонини анча оширишга, бу ишга иложи борича кўпроқ корхона ва ташкилотларни жалб этишга, ҳар бир ёрдамчи хўжалик иш самарадорлигини кескин кўтаришга қаратмоқ зарур. Бу ишни кейинга қолдириб бўлмайди. Ҳозирданоқ чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг барча резерв ва имкониятларини ишга солиш учун шошилинч чоралар кўрмоқ керак.

Доклад юзасидан музокараларда Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари Х. Камолов, Киров район партия комитетининг биринчи секретари М. Камолова, Куйбишев район партия комитетининг иккинчи секретари А. Севастьянов, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Чурсин, Собир Раҳимов район партия комитетининг иккинчи секретари В. Мурашов, Сергели район партия комитетининг биринчи секретари Б. Турик, Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. Хўжаева, Ҳамза район партия комитетининг иккинчи секретари Г. Внучков, Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. Содиқов сўзга чиқдилар.

Кун тартибидаги иккинчи масала — «КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари асосида 1983-1985 йилларда Тошкент шаҳарини комплекс қуриш ва ободонлаштириш суръати ва сифат даражасини оширишга партиявий таъсирни янада кучайтириш бўйича шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин доклад қилди.

Халқ хўжалигининг асосий вазифаларидан бири, деб таъкидлади докладчи, партиямиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумида белгилаб берилганидек, капитал қурилиш самарадорлигини ва сифатини янада оширишдир. Партиянинг бу принципиал кўрсатмаларини бажара бориб, шаҳар партия, совет ва хўжалик органлари капитал қурилишни планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, бу муҳим тармоқда меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг илғор форма ва методларини жорий этиш юзасидан муайян ишларни олиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг турар жой ва социал-маиший объектлар қуриш планларини бажаришни таъминлаш бўйича тадбирлар тўғрисидаги қарори меҳнаткашлар фаровонлигини муттасил ошириш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигининг янги ёрқин кўриниши бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети яқинда Тошкент шаҳрини ва шаҳар чеккаси зоналарини 1990 йилгача ривожлантиришнинг Бош планини тасдиқлади.

Тошкентда авиация саноати, қишлоқ хўжалик ва трактор машинасозлиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг миқёсда иш олиб борилмоқда. Турар жой ва социал-маиший объектлар қурилиш ҳажми тобора ўсмоқда. Монументал санъатни ривожлантиришда кўп ишлар қилинди. Тошкентлик метросозлар метронинг иккинчи линияси қурилишида энг янги технологик жараён ва индустриал буюмларни кенг қўлламоқдалар.

Бироқ, ўтган йил таҳлили шуни кўрсатяптики, капитал қурилишда эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда шаҳар халқ хўжалигининг бу энг муҳим тармоғида ҳали фойдаланилмаётган резервлар бор.

1982 йилда умуман шаҳар бўйича капитал маблағлар лимитини ўзлаштириш, асосий фондларни ишга тушириш бўйича давлат планлари бажарилмади. Кўп йиллар мобайнида биринчи марта турар жойларни фойдаланишга топшириш плани бажарилмади, савдо, алоқа, коммунал хўжалиги объектларини қуриш планлари чала бажариляпти. Шу йилнинг биринчи кварталида ҳам бу кўрсаткичлардан кўплари бўйича аҳвол тузатилмаяпти. Тўқимачилик комбинати, сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси, радиотехника буюмлари, ошхона мебеллари, Тошкент химия фармацевтика заводлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кўпгина объектларидаги ишлар анча судраляпти.

Бу масалаларни ҳал этишга юқорида номи тилга олинган ва бошқа бир қатор корхоналар партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари етарли даражада қизиқмаяпти ва ташаббус кўрсатмаяпти.

Шаҳарда айрим микрорайонларни комплекс қурмаслик ҳоллари мавжуд. «Главташкентстрой» ташкилотлари савдо, маиший ва коммунал хизмати тармоқларини ривожлантириш бўйича ишларни анча суст олиб боряпти. Ўн биринчи беш йилликда шаҳар электр таъминотини ривожлантиришга ажратилган капитал маблағнинг амалдаги ҳажми эҳтиёждан анча орқада қолмоқда. Сув таъминоти ва канализация объектлари қурилиши ҳам шаҳарни қуриш суръатларидан орқада қолмоқда. Турар жойларни телефонлаштириш аввалгича жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шаҳарда тўлақонли, ўзаро бир-бирига боғланган, планли зоналарни, архитектура ансамблари, майдонлар, магистралларни шаклга солиш ишлари сусткашлик билан олиб бориляпти.

Шаҳарни комплекс қуриш ва ободонлаштириш суръатларига кўча тармоқларини ривожлантириш, майдонлар, йўл ўтказгичлар, кўприклар ва пиёдалар ўтиш жойларини қуришдаги мавжуд қолоқликлар ҳам халақит бермоқда.

Кўпгина қурилиш трестлари ва бошқармалари, қурилиш индустрияси корхоналарининг партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, коллективларни юксак сифат кўрсаткичларига эришишга, қурилиш материаллари ва конструкциялардан тежаб-тергаб фойдаланишга ҳали етарлича сафарбар этишолмаяпти. Н. Злобин методи бўйича бригада пудратини кенг жорий этиш — қурилиш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим звеноси ҳисобланади. Юқори иқтисодий самарадорлигига қарамай, барибир бригада хўжалик ҳисоби ҳали етарлича кенг қўлланилмаяпти. Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, янгича поток бригада пудратини ҳамма жойда кенг ёйиш учун шароитлар яратиб беришлари керак. Капитал қурилиш самарадорлиги ва сифатини оширишга, объектларни муддатидан илгари ишга туширишга, меҳнат ва моддий-техника ресурсларини тежашга қаратилган меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда новаторларининг ватанпарварлик ва ижодий ташаббусларини ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш, қурилиш-монтаж ишлари планларини сўзсиз бажариш учун коммунистларга, айниқса раҳбарларга талабчанликни ошириш лозим, ҳар бир партия ташкилотида давлат, план ва меҳнат интизомини бузувчиларга муросасизлик вазиятини яратиш керак. Беш йиллик учинчи йилининг муҳим аҳамияти шундаки, бу йил Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи нишонланади. Бу эса лойиҳачилар, монтажчилар, қурувчилар, қурилиш индустрияси ходимлари, хуллас юбилей объектлари қурилишида қизғин иштирок этаётган барчанинг зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шаҳарни бир қатор янги, ўзининг архитектура қиёфасига кўра ноёб бўлган социал ва маданий-маиший объектлар билан безатиш зарур. Навоий кўчасида бир қатор савдо шахобчалари, ёпиқ бозорнинг биринчи навбати, очиқ майдондаги архитектура-этнографик музей ва бошқа объектлар шулар жумласидандир. Юбилейгача радио-телеминора, «Узмежколхозпроект» институти, Ҳ. Олимжон майдонидаги 20 қаватли турар жой комплекси, коллектив суратда фойдаланиладиган ҳисоблаш маркази объектлари қурилишини асосан ниҳоясига етказиш, Б. Хмельницкий кўчасидаги кўп қаватли турар жойларни реконструкция қилиш, бошқа кўплаб юбилей объектлари қуриш ва шаҳарни янада ободонлаштириш кўзда тутилмоқда.

Партия, совет, хўжалик органлари, бошланғич партия, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг вазифаси шундан иборатки, барча куч ва маблағларни энг муҳим қурилишларга жамлаш, ишга тушириладиган ишлаб чиқариш, турар жой, социал ва маданий-маиший объектларни бир маромда фойдаланишга топширишни таъминлашдан иборатдир.

Ушбу масалани муҳокама қилишда Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари О. Расулов, «Жилстрой» трести сувоқчиси А. Барановская, Киров район ижроия комитетининг раиси Ж. Жонибеков, «Ташинжстрой» трести партия комитетининг секретари А. Удалов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармасининг бошлиғи О. Горбунов ва бошқалар иштирок этдилар.

Пленум қатнашчилари, шунингдек, «Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети IV (1981 йил) пленумининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида транспорт ва алоқани ривожлантиришга, Тошкент аҳолисига хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга партиявий раҳбарликни янада яхшилаш бўйича шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётганлиги ҳақида»ги ахборотни тингладилар.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шаҳар партия комитети пленумининг ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири В. В. Окунский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири Т. Г. Зинин иштирок этдилар.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

△ Люксембург Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов бошчилигидаги КПССнинг иш тажрибаларини алмашиш бўйича делегацияси 27 март куни Москвадан Люксембургга жўнаб кетди.

△ «Газ индустрияси» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

△ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ДЎСТЛИГИ

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ШАҲРИ — ТОШКЕНТГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Америка Қўшма Штатларининг Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳридаги «Таргит — Сиэтл» жамоат ташкилотининг раҳбари жаноб Алдон Белл бошчилигидаги бир группа туристлар пойтахтимизда меҳмон бўлиб турибди. Мухбиримиз Э. Адайкина Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси ўринбосари Х. Ё. Ёқубжоновадан Сиэтл шаҳри жамоатчилиги вакилларининг ана шу группаси, биродарлашган шаҳар билан дўстлик алоқалари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Пойтахтимиз билан биродарлашган Сиэтл шаҳрининг 32 туристи Тошкентга ташриф буюрди. Улар турли касб соҳиблари — студентлар, ўқитувчилар, маориф ходимлари, врачлар, руҳоний, епископ, пенсионер ва уй бекаларидир. Группа раҳбари жаноб Алдон Белл эса «Таргит-Сиэтл» («Сиэтл вазифалари») комитетининг раисидир. Бу ташкилот ядро урушига қарши кураш олиб боради. Ташкилот тинчлик тарафдорларининг 42 минг имзосини тўплади.

Сиэтл мэри жаноб Чарльз Ройер муниципалитет аъзолари бу чақириққа биринчилардан бўлиб имзо чекдилар. Комитет ядро уруши оқибатларини Сиэтл шаҳри аҳолисига «тушунтириш ҳафта»сини ўтказди.

Тошкент ва Сиэтл шаҳрининг дўстлик алоқалари бошланганига ўн йил бўлди. Ана шу алоқалар ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Ўтган йилнинг февраль ойида делегациямиз сўнгги бор Сиэтл шаҳрига борганида унинг мэри 14 февраль кунини «Тошкент куни» деб эълон қилди. Делегациямиз аъзолари шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, университет шаҳарчаси, авиация заводи билан танишди, университет машғулотларида бўлишди, Ўрта Осиё халқлари тилларидаги китоблар кутубхонасини бориб кўришди, муниципалитет йиғилишида бўлишди.

Энди биз «Таргит-Сиэтл» комитети аъзоларини Тошкентда кутиб олдик. 1973 йили қабул қилинган қўшма ахборотда биродарлашган иккала шаҳарнинг дўстлик алоқалари асосида турли соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш кўзда тутилган. Унда «Ядро урушини бартараф этиш учун ҳамма ишни қилишга қасамёд этамиз...» деб ёзилган.

Бутун совет халқи, шу жумладан Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари ҳам ер юзида тинчлик барқарор бўлиши учун ҳаракат қилмоқда.

«Бизнинг бу масала хусусидаги позициямиз равшан: на кичик, на катта, на чекланган, на ялпи ядро урушига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозир янги уруш оловини ёқувчиларни тўхтатиб қолишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Ҳамма халқларнинг ҳаётий манфаатлари шуни талаб қилади. Шу боисдан Совет Иттифоқи ўз ташаббуси билан ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олганида, бу ташаббус бутун дунёда маъқуллаб ва умид билан кутиб олинди». КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг СССРнинг 60 йиллигига бағишлаб Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган қўшма тантанали мажлисидаги докладида барча коммунистлар, бутун совет халқи номидан шу сўзларни айтганди.

Совет халқи ўзининг меҳнат муваффақиятлари билан тинчлик ишига ҳисса қўшиб келмоқда. Тошкентнинг 2000 йиллик тўйи арафасида биз дўстларимизни қуйидаги сўзлар билан кутиб оламиз: «Совет Ўзбекистонига, унинг пойтахти Тошкентга «Хуш келибсиз!».

ХАЛҚ КОНТРОЛИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

НАЗОРАТЧИЛАР ИШИ ҚЎРИГИ

Ф. НАЗРУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг раиси.

Шу кунларда шаҳар халқ контроли органларида ҳисобот-сайлов кампанияси ўтмоқда. Унинг партиявий талабчанлик ва принципиаллик вазиятида ўтаётганлиги, ўзининг 2000 йиллигини кутиб олаётган пойтахтимиз меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари ва СССРда халқ контроли тўғрисида Қонун талаблари қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради. Коллективларда меҳнатнинг ташкил этилишини яхшилаш, партия, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, янги резервларни излаб топиш бўйича ишлар активлашди. Халқ назоратчилари ҳисобот давридаги ўз фаолиятларига ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳо бермоқдалар. Ишнинг ижобий томонларини таъкидлаб, нуқсонларни очиб ташламоқдалар. Бундан мақсад келгусида нуқсонларни бутунлай барҳам топтиришдир.

Ҳозиргача ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари деярли беш мингта группа ва постда бўлиб ўтди. Уларда 360 мингга яқин киши иштирок этди. Ҳисобот ва сайловлар пайтида ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар ишлаб чиқаришнинг тежамкор хўжайинлари сифатида активлик кўрсатиб, ўзларининг конкрет таклиф ва мулоҳазаларини билдиришяпти. Ўз заводлари, фабрикалари, институтлари, даволаш муассасаларида халқ назоратчилари фаолиятини юқори даражага кўтариш тўғрисида гапиришяпти. Бу муҳим халқ хўжалиги ишига моддий-техника бойликларини яратаётган ишчиларнинг жонкуярлик билан қараши кишини айниқса қувонтиради. Бу фаоллик йиғилишлар ва конференцияларда билиниб турди. 11-«Висотстрой», 153-қурилиш трестлари, 2-уйсозлик комбинати, «СредазНИИПИнефть», «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон» табиий ва сунъий чарм бирлашмаси, граждан авиациясининг 243-заводи, «Ташсельмаш», чинни заводлари, абразив комбинати, 7-бирлашган болалар касалхонаси, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент метрополитенида йиғилишлар ва конференциялар юксак сиёсий ва ташкилий савияда ўтди.

Пойтахтнинг Ленин, Фрунзе, Куйбишев, Чилонзор, Собир Раҳимов районлари меҳнат коллективларида ҳисобот ва сайловларга жиддий тайёргарлик кўрилган эди. Бу районларда кампания бошланиши олдидан зарур методик ҳужжатлар тайёрланган, кенг тушунтириш ва ташкилий ишлар ўтказилган эди. Район комитетлари йиғилишларни ўтказиш графигини тузишган, ҳар бир группага штатсиз инспекторларни бириктириб қўйишган эди. Бу яхши натижа берди. Жумладан, Ленин районида ҳозирнинг ўзида 500 та йиғилиш ва конференция ўтказилиб, булардан 130 таси 200дан ортиғи цех бош группаларида, 160 га яқини постларда бўлиб ўтди. Буларда 3898 халқ назоратчиси, шу жумладан, 1292 ишчи, 1388 хизматчи сайланган. Шуни ҳам айтиш керакки, меҳнат коллективларида халқ контролининг энг оммавий бўғини сифат составини яхшилаш тўғрисида қайғуришяпти. Комитетлар раислари, постлар раҳбарлари, халқ назоратчилари этиб, ишчилар, хизматчилар, мутахассислар, ёшлар орасидан энг фаол, принципиал ўртоқлар сайланди. Эндиликда Ленин районида халқ назоратчилари орасида 1647 КПСС аъзоси ва кандидати, 850 комсомол аъзоси бор.

Фрунзе районидаги ўтказилган 450 га яқин ҳисобот ва сайловлар шуни кўрсатдики, партия ташкилотлари раҳбарлиги остида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар халқ контроли группалари ва постларининг раҳбарлари халқ назоратчиларининг активлигини ошириш ва ташкилий ишни мустаҳкамлаш борасида чоралар кўришган. Масалан бундай иш «Таштекстильмаш» заводида амалга оширилган. Асбобсозлик цехида йиғилишда сўзга чиққан ишчилар, мастерлар — Кандауров, Зиков, Акўшев, Шеховцева ва бошқалар группанинг ҳисобот давридаги ишига ижобий баҳо беришди. Давлат планларининг бажарилиши, резервлардан фойдаланилиши, иқтисод режимини кучайтириш, меҳнат интизомини яхшиланилишини назорат этиш бўйича ўз наказларини билдиришди. Бу заводда цех группаси раиси этиб слесарь, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати М. Қулибоев сайланди.

Чилонзор районида ҳисобот-сайлов йиғилишлари халқ контролининг 152 та бош, 219 та цех группасида, 72 та постида бўлиб ўтди. Уларда халқ назоратчиларининг КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини бажаришдаги иштироки, давлат интизоми, хўжасизлик, исрофгарчилик, сансалорлик ва бюрократизмга қарши қандай кураш олиб борилаётганлиги диққат марказида бўлди.

Ҳисобот-сайлов кампанияси шуни аниқ кўрсатадики, халқ назоратчилари бу йўналишда катта ишларни амалга оширишяпти. Масалан, улар ўтган йили мебель ойналари фабрикасида 142 килограмм вольфрам, 20 тонна ёқилғи, 73 минг киловатт-соат электр энергияси тежалишига ёрдам беришди. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида конференция олдидан халқ контроли группалари ва постлари фаолиятини акс эттирувчи стенд тайёрланди. Халқ назоратчиларининг бирлашма эришган иқтисодий кўрсаткичларга қўшган ҳиссаси умумлаштирилди. Бу ерда докладни муҳокама этишда бирлашма ва унинг бўлинмалари раҳбарлари, инженер-техник ходимлар ва ишчилар иштирок этишди. Корхона меҳнатчилари ўз группалари ва постлари ишига баҳо беришга қизиқиш билан, принципиал ёндошдилар. Уни асосан маъқуллаб, халқ назоратчилари шаънига ва район ҳамда шаҳар ташкилотлари шаънига айрим жиддий эътирозлар билдиришди. Буларнинг бажарилиши район комитети ва бирлашма халқ контроли группаси томонидан назорат остига олинди.

Йиғилишлар пайтида группа ва постлар, корхоналар ва ташкилотларнинг маъмуриятлари, район ва шаҳар органлари адресига кўпгина истак ва таклифлар билдирилганлигини айтиб ўтиш керак. Эндиликда бу истаклар умумлаштирилмоқда, коллективларда, комитетларда муҳокама этилмоқда, ижрочиларга маълум қилинмоқда ва уларнинг бажарилиши устидан кундалик назорат ўрнатилмоқда.

«Средазэнергоцветмет» корхонаси йиғилишида халқ назоратчилари корхонадан узоқда яшовчи ходимларни ишга олиб келишда хизмат автобусларидан фойдаланиш масаласи эътибордан четда қолганини айтиб ўтдилар. Бунинг натижасида сменага кечикиб келишлар кўплаб содир бўлган. Шунингдек, шаҳар транспортининг, жумладан, 11, 34, 35, 46-автобусларнинг қониқарсиз ишлаши кўрсатиб ўтилган. Завод ошхонасида тайёрланаётган таомлар сифати ва турлари камлиги танқид қилинган.

Шунингдек, Акмал Икромов ва бошқа районлар корхоналари, ташкилотларида ҳам транспортчилар шаънига танқидий мулоҳазалар билдирилди.

Абразив комбинати меҳнатчилари янги сайланган халқ контроли группаси составига иссиқлик пункти ишга туширилишини, ошхона ишини, цехларда электр энергияси сарфланишининг белгиланган нормаларига риоя этилишини алоҳида назорат остига олиш юзасидан наказ беришди. Пардозлаш трестида нима учун 1-ёғочни қайта ишлаш заводидан сифатсиз буюмлар келаётгани ва қабул қилинаётгани тўғрисидаги масала ўртага ташланди. Тошкент область сув хўжалиги бошқармаси коллективи сув ҳавзаларини оқава сувлар билан ифлослантираётган корхоналар, жумладан «Ўзбекгазмаш», «Средазкабель», 17-шаҳар касалхонаси шаънига эътирозлар билдирди.

21-поликлиника йиғилишида 1981 йилнинг тўртинчи кварталидан бери бу даволаш муассасаларининг янги биноси қурилишига ажратилган пул маблағлари ўзлаштирилмаётгани масаласи кўтарилди. 1-қурилиш трести, унинг 65-бошқармаси ва 4-капитал қурилиш бошқармаси тайёр қурилиш майдонида ишни бошлаб юборишмаган. Бу масалани ҳал этишда халқ назоратчилари ёрдам кўрсатишлари даркор.

Шаҳарда бўлиб ўтаётган йиғилишлар ва конференцияларда халқ назоратчилари составига сайланаётганлар орасида группа ва постлар составида ўзини яхши кўрсатган ва назорат ишида тажрибага эга бўлган кўплаб активистлар бор. Халқ контроли органлари ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш даврида шаҳар ва район партия комитетлари, жойлардаги партия ташкилотлари, республика ва Тошкент области халқ контроли комитетлари томонидан раҳбарлик ва амалий ёрдамни мунтазам ҳис этмоқдалар. Партия ва совет, контрол органларининг кўплаб вакиллари меҳнат коллективларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари ишида фаол қатнашмоқдалар.

Ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказишда ижобий томонлар билан бир пайтда камчиликлар ва нуқсонлар кўриниб қолди. Жумладан, Октябрь районида «Узоргтехмелиорация» трести, «Госкомиздат» ремонт қурилиш Бош бошқармаси, «Металлобитремонт» комбинати ва бошқаларда йиғилишларни ўтказиш муддатлари кейинга сурилиши ҳолларига йўл қўйилган. Йиғилишлар ошхона ва бошқа мебеллар заводи, резина-техника буюмлари заводи, «Узбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, 145-автокорхона, хладокомбинат, пахтачилик машиналари давлат махсус конструкторлик бюроси, қатор мактаблар ва уй-жой эксплуатация участкаларида ҳам ўз вақтида ўтказилмаган. Ҳисобот сайлов йиғилиши вагон депосида ташкилий жиҳатдан жуда бўш ўтди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари ўтказиш муддатларини асоссиз равишда бошқа кунга кўчиришнинг барча ҳоллари, уларга бўш тайёргарлик кўрилиши, йиғилишлар ва конференциялар қатнашчиларнинг фаолиятсизлиги, ишчанлик, принципиал ва ўз-ўзини танқиднинг йўқлиги ҳоллари район ва шаҳар халқ контроли комитетларининг йиғилишлари ва мажлисларида кўриб чиқилмоқда. Вазифа — ҳисобот-сайлов кампаниясини юқори савияда ниҳоясига етказишдан иборат. Шуни назарда тутиш керакки, ҳисобот ва сайловлар пайтида қилинган ишларни танқидий кўз билан таҳлил этибгина қолмай, балки назоратни такомиллаштириш йўлларини аниқлаб олмоқ лозим. Халқ контроли группалари ва постлари, партия ташкилотлари ва район халқ контроли комитетлари раҳбарлиги остида меҳнаткашларнинг барча танқидий фикр ва мулоҳазаларини чуқур ўрганишлари, умумлаштиришлари, мажлислар ва йиғилишларида муҳокама этишлари, тегишли ташкилотларга маълум қилишлари, уларнинг бажарилиши устидан кундалик назорат ўрнатишлари ва кўрилган чоралар тўғрисида вақти-вақти билан меҳнаткашлар коллективларини хабардор қилиб туришлари лозим. Шундай қилиш керакки, янги сайланган группа ва постлар дастлабки кунларданоқ партия ташкилотлари, маъмурият томонидан эътиборни ҳис этишсин.

Янги сайланган халқ назоратчиларининг вазифаси зудлик билан фаол ишга киришишдан иборат. Жойларда уларга план тузишда, кучларни тақсимлашда, халқ назоратчилари ўртасида топшириқларни бўлиб беришда, текширишларни тайёрлаш ва ўтказишда ёрдам бериш лозим. Бунда меҳнаткашларнинг йиғилишларда қабул қилинган наказлари, таклифлари ва мулоҳазалари эътиборга олинмоғи даркор.

Янги сайланган халқ назоратчилари СССРда халқ контроли тўғрисида Қонунни ўрганишларини ҳамма жойда ташкил этиш керак бўлади. Уларни ишнинг форма ва методлари билан таништириш, уларнинг ҳар бири биринчи кунларданоқ ўзларининг жамоат бурчларини сидқидилдан бажаришларида кўмаклашиш лозим. Уларнинг ҳаммасини комитетлар, уларнинг халқ контроли группаларига бириктириб қўйилган штатсиз ходимлари кузатиб боришлари керак.

Халқ контроли органларидаги ҳисобот-сайлов кампанияси кенг омма томонидан ижронинг текширилишини кучайтиришга, меҳнаткашлар коллективларини КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорларини, мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, 1983 йил ва умуман беш йиллик давлат планининг бажарилиши ва ошириб бажарилишини таъминлашга меҳнат коллективларини янада сафарбар этишга ёрдам бермоғи даркор.

З. Неъматова бадиий буюмлар фабрикасининг пешқадам ишчиларидан саналади. Бу илғор тикувчи попоп маҳсулотларини юксак сифат билан тайёрлашда ўз ҳамкасблари ўртасида намуна бўлмоқда. У смена топшириқларини 110 процентдан бажариб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

СУРАТДА: (юқорида) З. Неъматова.

Пастдаги суратда Йўлдош Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасининг фидойи ишчиларидан бири М. Ризаева тасвирланган. Пешқадам ишчи кунлик план-топшириқларини ошириб бажариш билан бир қаторда тайёрланган маҳсулотнинг сифатлилиги бўйича ҳам пешқадамлик қилмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

«Ўзбекбирлашув»га қарашли Урганч консерва заводи коллективи шарбатнинг тўрт та турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Таъми жиҳатидан пепси-колани эслатадиган ситро харидорларга айниқса манзур бўлмоқда. Корхона уни ишлаб чиқариш учун асосий компонентларни шартнома асосида Ленинграддан олади. Заводда «Райҳон» деб аталган ичимликни тайёрлаш учун эса маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган эссенциядан фойдаланилмоқда. Анис ва тминдан тайёрланадиган «Арпабодиён» ва «Раъно» ичимликлари ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

* * *

Сурхондарё ўрмон хўжалигининг меҳнаткашлари бу йил баҳорда Сурхон водийсида чинорзор ва қайрағочзорлар барпо этдилар. Бу ерда терак ҳам ўстириладиган бўлади. Бундай тераклар бир йилда уч-тўрт метр бўй чўзади. Бу эса ҳувиллаб ётган жойларда қисқа вақт ичида кўм-кўк воҳалар вужудга келтириш, йўлларни, шаҳар ва посёлкалар кўчаларини кўкаламзорлаштириш имконини беради.

* * *

Сельхозтехника Шофиркон район бирлашмасининг слесари Аҳаджон Рустамов 1985 йил ҳисобига ишлай бошлади. У ремонт цехига саккиз йил муқаддам келган эди. Ҳозир эса Аҳаджон ўз ишининг моҳир устаси, илғор ишчилардан биридир.

Сельхозтехника Ленин район бирлашмасининг коллективи янги маҳсулот — ўғит соладиган мосламалар ишлаб чиқара бошлади. Бу мосламалар бу ердан Андижон ва Наманган областларидаги колхоз ва совхозларга жўнатилмоқда. Тупроққа ўғит соладиган уч мингта мана шундай мослама тайёрлаш учун буюртма қабул қилинди.

* * *

Шаҳрисабздаги «Ҳужум» фабрикасида илгари чиқиндига чиқарилган лахтаклардан ёстиқ жилдлари, дастурхонлар, болаларнинг бежирим фартуклари ва бошқа буюмлар тайёрлана бошланди. Бу участкада ишлаб чиқариш ҳажмини шу ернинг ўзида бир неча баравар кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди.

* * *

Андижон нон комбинатидаги нон-булка тайёрлаш цехида меҳнат унумдорлигини бир ярим баравар оширадиган хамир қорувчи агрегатларни монтаж қилиш тугалланди. Янги технология шу машина-ускуналарни жорий этишга ёрдам бермоқда. Комбинатда қўшни СЗТ — ёғ тайёрлаш заводидан махсус қувур орқали келадиган сут зардобидан фойдаланa бошланади, енгил вазнли нон пиширишга ўтилди. Бу йил маҳлотнинг олти хил янги турини ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КАРЛ МАРКС ШАРАФИГА

БЕРЛИН. ГДРда Карл Маркс санаси нишонланаётганлиги шарафига республика ишлаб чиқариш коллективлари эришаётган ютуқлар тўғрисида шу кунларда мамлакатнинг барча округларидан олинаётган рапортлар меҳнат ғайрати юксалганлигидан далолат беради.

Республикада энг йирик комбинатлардан бири бўлган Шведтдаги нефтни қайта ишлаш комбинати кўп минг кишилик коллективининг социалистик мажбуриятларида меҳнат унумдорлигини жиддий оширишга эришиш асосий мазмунни ташкил этади. Бу ерда ана шу вазифани ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, хом ашё ва материаллардан оқилона фойдаланиш, шунингдек ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш йўли билан ҳал этиш режалаштирилмоқда.

Металлурглар ҳам химиклардан орқада қолмаяптилар. Масалан, Тале шаҳридаги прокат заводининг ходимлари шу йил пландан ташқари жами 5 миллион марқалик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Шу нарса диққатга сазоворки, бу буюмларнинг кўпчилигини кенг истеъмол моллари ташкил этади.

Ҳамкорликнинг муҳим соҳаси

БЕЛГРАД. Югославиянинг кемасозлик корхоналарида Совет Иттифоқининг буюртмаси билан мева ва сабзавот ташиш учун мўлжалланган 20 та кема қурилади. Бутуниттифоқ «Судоимпорт» бирлашмаси билан Югославиянинг ташқи савдо ташкилотлари ўртасида Белградда шу ҳақдаги битим имзоланди.

Кемасозлик йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён Совет—Югославия иқтисодий алоқаларида етакчи соҳалардан бири бўлиб келмоқда. Шу давр ичида ЮСФРда СССР учун ўнлаб танкерлар, пассажир кемалари ва юк ташийдиган кемалар, шатакчи кемалар ва сузувчи земснарядлар қурилди. Ўз навбатида СССР Югославия кемасозлари учун металл, радионавигация техникаси, дизель-генераторлар, бошқа машина-ускуналар етказиб бермоқда.

Югославия сувларида «ракета» ва «метеор» типидаги сув ости қанотли кемаларни учратиш мумкин.

Кемасозлик соҳасида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик шу беш йилликда яна ривож топади. СССРга 15 та танкер етказиб бериш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу танкерларнинг кўпчилик қисми 1985 йилгача сувга туширилади. Каспий денгизи учун темир йўл паромлари қурила бошланди.

Балатонни муҳофаза қилиш

БУДАПЕШТ. Яқинда Балатон кўли сувининг составини контроль қиладиган янги замонавий лаборатория қурилди. Мутахассислар «Венгрия денгизи»нинг экологик мувозанатини, сувининг ифлосланиш даражасини кузатиб турадиган бўладилар.

Туристик мавсум пайтида кўлнинг хушманзара соҳилларида ҳар йили бир миллионга яқин турист дам олади. Бироқ шу беш йилликда Балатон кўли атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳукумат программасининг асосий объектларидан бири деб эълон қилинганлигини ҳамма ҳам билмаса керак. Туристларнинг кўпайиб бораётганлиги, коммунал иншоотлар тармоқларининг доимо ортаётганлиги мутахассисларни тобора кўпроқ ташвишлантирмоқда.

Кўлнинг жануби-ғарбий чеккасида жойлашган Кишбалатоннинг ёки кичик қайта тикланишини Балатон кўлини ҳимоя қилиш соҳасидаги тадбирлардан энг йириги деб ҳисоблаш мумкин. Кишбалатон қуриб қолиб, ўтлоқ ва яйловларга айланган эди. Ҳозир Кишбалатонга яна сув тўлдириш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида катта Балатонга оқиб тушадиган сув кичик кўлдан табиий фильтрдан ўтганидек оқиб ўтди. Балатон кўли учун табиий фильтрни вужудга келтириш ишлари ўн йилга мўлжалланган, бу тадбирларни амалга ошириш учун эса бир миллиард форинтдан кўпроқ маблағ ажратилган.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

ВЬЕНТЬЯН. ЛХДР пойтахтида Лаос қурилиш ташкилотлари учун кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юрти очилди. Совет Иттифоқининг ёрдами билан барпо этилган бу билим юртида 180 га яқин йигит-қиз дурадгор, слесарь, электрик ҳунарларини ўрганади. Республика халқ хўжалигининг барча тармоқлари шундай мутахассисларга муҳтождир.

* * *

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Брашов шаҳридаги автомобиль ва тракторлар ишлаб чиқарувчи саноат бирлашмасининг йиғув конвейеридан олти юз мингинчи юк машинаси тушди. Корхона ишга туширилганидан бери Брашов автомобилсозлари ҳар хил моделдаги юк автомашиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Бу автомобиллар республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатилмоқда.

Яқинда Брашов бирлашмасининг коллективи бутун ишлаб чиқаришни фақат тежамли дизель ёқилғисида ишлайдиган юк автомобиллари чиқаришга ўтказиб бўлди.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахти дунёнинг энг яшил шаҳарларидан бири бўлиб қолди. Бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида Деҳли муниципал корпорациясининг вакили айтдики, кейинги йиллар шаҳарда етти миллион тупга яқин дов-дарахт кўчатлари ўтқазилган. Олти минг гектар ерни дарахтзорлар қоплаган. Деҳли теварагида бутун бир иҳота дарахтзорлари барпо этилган бўлиб, у пойтахтни ғарбдаги буюк Тар чўли томонидан келадиган иссиқ шамоллардан тўсади.

* * *

АДДИС - АБЕБА. Халқаро ирқий камситишни тугатиш учун кураш куни муносабати билан Эфиопия пойтахти университетида Преторияидаги ирқчи режимга қарши курашчилар билан оммавий бирдамлик митинги бўлиб ўтди. Митингни революцион Эфиопия ёшлар уюшмаси билан Жанубий Африкадаги Африка миллий конгрессининг студентлар кенгаши ташкил этди.

ҲИНДИСТОН ЧОЙКОРЛИГИ

ДЕҲЛИ. Бўйи 10—15 метрга етадиган ва доимо кўкариб турадиган дарахт гуллаган пайтда хушбўй оқ ва пушти гуллар билан қопланади. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги Ассом штати ўрмонларида ёввойи тарзда ўсадиган чой дарахтининг кўриниши мана шундай. Бу дарахт биринчи марта шу ўрмонларда 1823 йилда топилган эди. Илгари чой етиштирувчи бирдан-бир мамлакат ҳисобланган Хитой шу пайтдан эътиборан чой экспорт қилиш соҳасидаги жаҳон монополиясидан маҳрум бўлди. Халқаро бозорда ҳинд хушбўй ичимлигининг Ассом, Даржилинг, Нилгири сингари маданий навлари пайдо бўлди. Ҳозир Ҳиндистонда 35 минг гектардан ортиқ чойзор бор. Бу чойзорларнинг энг катталари Ассом, Ғарбий Бенгалия, Трипура, Тамилнаду, Керала, Карнатакада жойлашган. Ҳозир Ҳиндистон чой етиштириш соҳасида дунёда етакчи ўринни эгаллаб турибди. 1981-1982 молия йилида мамлакат 610 миллион килограмм хушбўй чой барги териб олди.

Чойкорлик — мамлакат экономикасининг энг муҳим тармоқларидан биридир. Экспортдан тушадиган валютанинг 10 проценти унинг ҳиссасига тўғри келади. Ҳиндистон дунёнинг 80 та мамлакатига, шу жумладан Совет Иттифоқига чой сотмоқда.

Бироқ, кейинги вақтларда Ҳиндистонда чойзорларнинг аҳволи унчалик яхши эмас. Нилгири нави етиштириладиган жанубий районлар қурғоқчиликдан зарар кўрди.

Ҳукумат чой саноатини ривожлантириш ва кооператив фабрикалар барпо этишнинг узоқ муддатли программасини амалга оширмоқда. Кўрилган тадбирлар натижасида чойзорларни кенгайтиришга муваффақ бўлинди. Улар 1982-83 молия йилида 378 минг гектарга етди. Ҳосилдорлик ҳам гектар бошига 1961-62 молия йилидаги 1070 килограммдан 1982-83 молия йилида 1450 килограммга етди. План-топшириқларига биноан Ҳиндистон чой етиштиришни 1985 йилга борганда 800 миллион килограммга етказишни мўлжалламоқда.

А. Хачатуряннинг «Спартак» балети Вьетнам пойтахти томошабинларида катта таассурот қолдирди. Бош ролни Молдавия ССР халқ артисти — шу балетни саҳналаштирган М. Кафтанат ижро этмоқда. У бир неча йиллардан буён Вьетнамда ишлаб, бўлажак вьетнамлик балет усталарига таълим бермоқда.

СУРАТДА: Ханой театрида қўйилаётган «Спартак» балетидан бир саҳна.

В. Яцина фотоси.

НОВАТОРЛАР ҲИССАСИ

ПРАГА. Ихтирочилар ва рационализаторлар фаолияти Чехословакия халқ хўжалигига салмоқли иқтисодий самара келтирмоқда. Ўн минглаб рационализаторлик таклифларини жорий этиш туфайли ўтган йилнинг ўзидагина мамлакат миқёсида республика бўйича 460 миллион кронадан кўпроқ маблағни тежашга эришилди.

Халқ хўжалигини планли бошқариш системасини такомиллаштириш юзасидан мамлакатда кўрилган тадбирлар ишчилар, инженерлар ва техникларнинг ижодий фаолияти натижаларини амалда тезроқ қўлланилишига ёрдам бермоқда. Шу беш йилликда рационализаторлар ва ихтирочиларнинг илмий-техникавий ижодкорлиги республикага бир неча миллиард кроналик иқтисодий самара бериши кутилмоқда.

ЎСИМЛИКЛАР ХАРИТАСИ

УЛАН-БАТОР. Монгол ва совет олимлари МХР ўсимликлари харитасини тузиш соҳасидаги кўп йиллик ишни тугалладилар. Бу харитада мамлакат территориясида учрайдиган 200 дан кўпроқ ўсимликнинг ўсиши районлари белгиланган. Харита Монголиянинг турли иқлим зоналаридаги тупроқ состави ҳақида ҳикоя қилади, давлат муҳофазасида бўлган ўсимликларнинг нодир турларига оид маълумотларга эга. Ҳозир «Шарқий Хангайнинг тоғли текисликлари» деб аталган икки томлик асар ва МХРнинг даштли зоналарида ўсимликлар дунёсини тадқиқ қилишга бағишланган асар босмага тайёрланмоқда.

СУНЪИЙ ЮРАК ЁРДАМ БЕРМАДИ

САН-ФРАНЦИСКО. ЮТА штатининг Солтлейк-ситидаги университет клиникасидан 62 ёшли америкалик Барни Кларк вафот этганлиги тўғрисида хабар олинди. У сунъий юрак билан сал кам тўрт ой яшаган дунёдаги биринчи кишидир. Врачларнинг айтишича, у қон айланиши системаси бузилиши натижасида ўлган.

Жами бўлиб 7,5 соат давом этган сунъий юрак қўйиш операцияси ўтган йилнинг 1 декабридан 2 декабрига ўтар кечаси қилинган эди. Синтетик материалдан ясалган бу юракнинг вазни ва ҳажми инсон юрагига ўхшаш эди. Юраксимон машинани доктор Роберт Жарвик ясаганлиги учун машина унинг номи билан «Жарвик-7» деб аталди.

Сунъий юрак ёрдамида яшашни таъминлаш системаси ҳаддан ташқари қиммат ва кўполдир. Кўпгина психиатрларнинг айтишича, мана шундай операция билан боғлиқ бўлган психологик проблемалар ҳали ҳал этилган эмас. Бундан ташқари Кларк бир неча бор зотилжам дардига чалинди, қон босими жуда пасайиб кетиши муносабати билан у бир неча бор шошилинч операция қилинди.

Американинг кўпчилик хирурглари фикрича, сунъий юрак бирмунча кўпроқ даражада инсон юрагининг ўрнини босадиган бўлгунча ҳали кўп йил ўтади. Калифорниядаги Станфорд университетининг олимлари ҳаётни сақлаб қолишнинг бу усулини ҳозир оралиқ босқичи — донорни кутиб туриш босқичи дебгина билиш керак, деб ҳисобламоқдалар.

ИЛМ-ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

СИНТЕТИК БОШОҚНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Олимлар буғдой — жавдар дурагайлари янги формаларининг хоссалари белгиланган ғалла ўсимликлари ҳосил қилишнинг муҳим резерви деб билмоқдалар. Масалан, табиатда бўлмаган тритикале бошоқли экини шундайдир. У буғдой билан жавдарни чатиштириб ҳосил қилинган.

Тритикаленинг бирданига бир неча янги нави кўп жойларда экилиш ҳуқуқини олди. Булар орасидаги «Праг-1» дурагайи суғориладиган ерларда оралиқ экин сифатида районлаштирилмоқда. Баҳорги ҳосил кучи жиҳатидан унинг тенги йўқ: бир гектар ер 600 центнерга қадар ширадор кўк масса беради.

Олимлар бошоқли ва экин селекцияси илмий-тадқиқот институтида чиқарилган бошқа бир «Алтайский-1» хашаки нави гектар бошига 400—500 центнердан кўк масса беради. Бу экин қурғоқчиликка ва совуққа чидамлидир.

Селекциячилик хазинасида истиқболли хилма-хил синтетик бошоқ формалари кўп. Олимлар уни «Келажакнинг нони» деб атамоқдалар. Мамлакатимиз тритикале экин майдони жиҳатидан дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди: бу ғалати бошоқли экин 200 минг гектар ерда етиштирилмоқда.

Олимлар бошоқли экиннинг янги формаларини вужудга келтирмоқдалар. Мамлакатимизда «Тритикале» программаси қабул қилинган бўлиб, у амалга оширилмоқда.

(ТАСС).

Адабий меросимиз хазинасидан

«Тошкентнома» нинг туғилиши

Серқуёш ўлкамизнинг пойтахти, дунёга тинчлик ва дўстлик шаҳри сифатида довруғ таратган жонажон Тошкентимиз ҳақида қатор шеър ва достонлар яратилган, фильмлар суратга олинган, қўшиқлар ёзилган. Аммо улар орасида атоқли шоир ва олим Мақсуд Шайхзоданинг «Тошкентнома» поэмаси алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, ҳар бир улкан қаламкашнинг ижодий лабораторияси сирлари адабиётшуносликнинг катта ва муҳим, энг қизиқарли ва мароқли соҳаларидан биридир. Мен шу ўринда «Тошкентнома» поэмасининг яратилишига оид шоир ижодхонасининг баъзи сирлари билан ўртоқлашиш ниятидаман.

«Тошкент н о м а » нинг дастхати битилган дафтардаги қайдлардан маълум бўлишича, бу ижодий ният устида шоир 1955 йилнинг аввалларидан эътиборан жиддий иш бошлаган. Аниқ эсимда, 1955 йил биринчи январь куни домлани янги йил билан қутлаш ниятида уйларига бордим. Салом-аликдан кейин одатдагидек суҳбатга берилиб кетдик. Суҳбат асносида мен домланинг иш столи устига тахлаб қўйилган «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бир неча йиллик сонларига қараб-қараб қўйдим. Буни сезган устоз шундай деди:

— Газета тўпламларига қараб, ажабланяпсиз-а? Бир ижодий сирни айтай, Тошкент ҳақида поэма ёзиш ниятидаман. Тошкентимизнинг ўтмиш тарихи ва шу кунлардаги ҳаётини тўлиқ тасаввур қилиш учун газеталардан яхши манба йўқ-да. Ҳа ҳали бу қилинажак ижодий ишга тайёргарликнинг бошланиши холос.

Шу тариқа Мақсуд Шайхзода бир неча йиллар мобайнида Тошкент тарихига оид манба ва халқ орасида тарқалган афсоналарни синчиклаб ўрганди. Шунингдек, у Тошкентнинг кекса кишилари билан тез-тез ҳамсуҳбат бўлар, фан ва маданият арбоблари билан суҳбатлашар, ўрни келганда, мунозарага киришарди. Айниқса, марҳум академиклар Яҳё Ғуломов, Массон билан қилган бир неча суҳбат ва мунозараларининг гувоҳи бўлганман. Ана шундай суҳбатларнинг бирида қандайдир луқмага жавобан у қуйидаги шеърий мисраларни ёддан ўқиганди. Ҳали-ҳали ёдимдан чиқмайди:

Тошкентни севмоқлик
юракнинг иши,
Шунинг учун
шартмикан
бунда туғилмоқ?
Шартми бу романга
ишқибоз киши,
Ўзи у романда
қаҳрамон бўлмоқ?
Умрим бино бўлди
Озарбайжонда,
Кечди болалигим у
гул маконда.
Лекин шоирликнинг
нозик толеи,
Кулди Сирдарёнинг
ҳавзаларида.
Ўзбек қуёшининг чин
оталиги,
Акс этди мастоба
косаларида.
Ҳазрат Навоийнинг
ўпиб қўлини,
Ўзбек водийсида
отимни сурдим.
Ижод карвонининг
узоқ йўлини,
Азиз йўлдошлар-ла
ўтолдим, юрдим.

Шу йўсин устоз Тошкент ҳақида ўтмишда битилган қадимий манбалар ва афсоналарни синчиклаб ўрганиш борасида жиддий меҳнат қилди. Ўзбекистон, айниқса Тошкент тарихи билан шуғулланган олимлар билан қизғин ёзишмалар олиб борди.

Поэманинг қоралама нусхаси муқаддимасида битилган қуйидагича композицион план кўзга ташланади:

1. Кириш ўрнида.
2. Зиддият.
3. Тақдир.
4. Қуёш қасидаси.
5. Бир оз тарих.
6. Тошкент ўрни учун аждодлар танлаб олган жой.
7. Тошкент — пойтахт ва ҳоказо.

Юқорида битилган композицион планнинг ҳар бир бўлимида қисқа, лекин шоирнинг ўзи учун аллақанча мазмун ва мундарижани қамраб олиши мумкин бўлган қайдлар баён этилган. Шоир Тошкентнинг таъриф ва тавсифига доир ҳар бир белги ва ҳодисани аниқ, жиддий ва чуқур ўрганиб, уни тобига етказгач, дафтар соҳасига рақам қилган. Поэманинг кўпгина мисра, парча, ҳатто боблари унинг иш столида эмас, балки йўлда, кузатиш ва изланишлар жараёнида туғилиб, гоҳ ён дафтарга, гоҳ газета ҳошияларига, ҳатто «Казбек» папироси қутичасига ҳам битилганлигининг гувоҳи бўлгандим.

Кичик бир лавҳа. Бир куни устоз Эски Жўвадан Собир Раҳимов кўчаси бўйлаб Ишчилар шаҳарчасига секин пиёда борсак, деган истак билдирдилар. Йўлга тушдик. Баҳор палласи. Кечки пайт. Тахтапул кўпригидан ўтганимизда икки машинани тўлдириб, қийқиришиб куёвнавкарлар ўтиб кетишди. Бу манзара домланинг диққатларидан четда қолмади. Ишчилар шаҳарчасидаги чойхонада чой ичарканмиз, домла қўлларидаги бир даста газетанинг ҳошиясига нималарнидир битиб қўйдилар. Домлани кузатиб қўйгач қайтдим. Бироқ ўша куни кечқурун домла мени йўқлаб қолдилар. Институтда лекциялари бор экан. Ўша ерга бордим. Домла «ҳали трамвай вагонида қўлимдаги газеталарни эсдан чиқариб қолдирибман, қайдлар бор эди, нима қилсак экан» дедилар, охири эртасига эрталаб қайсидир трамвай паркининг диспетчеридан ўша газеталарини топдим. Домлага элтдим. У киши беҳад хурсанд бўлиб, «мана эшитинг, кеча куёв-навкарларни кўрганда шу мисраларни поэмага киритиш ниятида битиб қўйгандим», дея ўқий бошладилар:

Аҳли тўй шу чоқ,
Улфат хушчақчақ,
Оқ мусалласни,
Ё май чаросни,
Кўтарар дўстлар,
Айтишар тостлар.
Куёвни сийлаб,
Елкасин силаб,
Келинга эса,
Ўн фарзанд тилаб
Қўярлар талаб.
Тонггача ўйин,
Ўйна ва суюн...

Ана шу мисралар кейинчалик поэманинг 17-бобига киритилди. Шундай қилиб, домланинг иборалари билан айтганда, поэма учун «Хом ашё жамлаш» 1956 йилнинг охирига қадар давом этди. 1957 йилнинг март-декабрь ойларида поэма поёнига етди. Ўша йилнинг ёзида муолажада ётган устозни кўргани борганимда асарнинг бир неча тайёр бобларини эшитишга муяссар бўлдим. Ўшанда устоз «ҳозирча поэманинг унвони ноаниқ, эҳтимол «Тошкент ҳақида қўшиқ», ёки «Қуёш қасидаси», аниқроғи, «Қуёш шаҳри қўшиғи» бўлар. Бироқ, ҳали буларнинг биронтаси ҳам қатъий эмас», дедилар.

Кейинчалик поэманинг номи «Тошкентнома» бўлгани сизларга аниқ. Машҳур поэма ана шундай дунёга келган эди.

Муҳсин ЗОКИРОВ,
Филология фанлари кандидати.

«ОДАМ ҲАЙРОН ҚОЛАР, КАТТА МАКОНЛАР...»

(БАХШИЛАР СОЗИДА ТОШКЕНТ)

Ўзининг қайноқ, бетакрор ҳаёти билан донг таратган азим шаҳарлар шаънини улуғлаш, улар ҳақида қизиқарли афсоналар тўқиш, қўшиқ ва термалар, ҳатто достонлар яратиш халқ орасида қадимдан мавжуд. Бу анъана бизнинг кунларимизда ҳам давом этиб келмоқда. У ёки бу шаҳарнинг номи билан боғлиқ қанчадан-қанча нақл, ривоятлар бор. Дарҳақиқат, Бақтра (Балх), Кабура (Қобул), Мароқанд (Самарқанд), Бихар (Бухоро), Тармита (Термиз), Навтака (Шаҳрисабз), Рим, Деҳли, шунингдек Киев, Москва, Бухарест, Париж, Қозон, Ленинград ва бошқа шаҳарларга аталган афсона ва ривоятлар беҳисоб. Халқ бу шаҳарларнинг бунёд бўлиши, уларнинг номланишини ўзича изоҳлайди, таъриф-тавсиф этишга интилади. Бундай фольклор асарларида тилга олинган шаҳар бир бутун мамлакат қиёфасида гавдаланади, унинг гўзал ва бетакрор манзараси намоён бўлади... Халқ ўз фантазиясидаги афсонавий шаҳарларга келганда эса бисотидаги сўз ва бўёқни ҳечам аямайди. Биргина «Гўрўғли» достонларидаги баҳодирлар макони — Чамбилнинг таърифига қулоқ тутинг-а. Эҳ-ҳе, бахшиларимизнинг Чамбил мадҳидаги чечанлигига, талантига, топқирлигига, муболаға-ю лофчилик санъатига, орзу-умидларининг нақадар кенг ва чегара билмаслигига, айни чоқда ҳаётийлигига қойил қолмай иложингиз йўқ...

Шуни айтиш керакки, Шарқ марвариди — салкам уч минг ёшли Самарқанд, тенгдошликда унга етай деб қолган Шарқ машъали — пурвиқор Тошкентимиз ҳақида ҳам бир қатор афсона ва ривоятлар, қўшиқ ҳамда термалар, халқ орасида сўзга чечан бахшилар ва эртакчилар репертуарида учрайдики, уларни ёзиб олиш, ҳар томонлама ўрганиш зарур. Биз ушбу мақолада халқ «Тошкентномаси»нинг эътибордан четда қолиб келаётган бир саҳифаси — достончи-бахшиларимизнинг Тошкентга атаган термалари борасида қисқача фикр юритмоқчимиз.

Маълумки, машҳур халқ бахшилари Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир ва бошқалар Тошкентга бўлган чексиз муҳаббатлари, садоқатлари ва буюк эҳтиромларини қўшиққа солиб, бир қатор термалар тўқиган эдилар. Чунончи, Эргаш Жуманбулбул ўғли азиз пойтахтимизга атаб «Келдим», «Тошкент таърифида» каби термаларни яратган. Шоир узоқ Нурота шаҳридан 1936 йилда Тошкентга келади ва пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилади. Улуғ доҳий В. И. Лениннинг ўша пайтдаги ҳайкалини зиёрат этади. Шаҳар бўйлаб саёҳати, хусусан доҳий ҳайкалидан олган таассуротларини усталик билан термага кўчириб, совет даври ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажойиб Ленинномаси ва Тошкентномаси саҳифаларини ўзига хос дурдоналар билан бойитади.

«Ҳайкал таассуроти» термасида шоир шундай сатрлар битади:

Ранги қора, дурри
саминдан ўтар,
Устининг қизили
ёқутга етар.
Йўл кўрсатиб турур
қўлин кўтариб,
Кичикларнинг доим
йўлин кўрсатиб.
—Бу қандай тош?—
дедим,
деди:— Мармардан,
Баҳоси кам эмас
лекин гавҳардан,
Баракалла
эрлар эътиқодига,
Бундай тош топила
бермас ҳар ердан.
Устаси ҳам
усталарнинг устаси,
Излаганман
топилмайди нусхаси,
Ҳар ким кўрса оғзи
очилиб қолади,
Не эканин билмай
гапнинг қисқаси.

Эргаш Жуманбулбулнинг 1936 йилда яратган «Тошкент таърифида», «Келдим» термалари номланишидан ҳам кўриниб турибдики, бошдан-оёқ Тошкентга, тошкентликларга бағишланган. Бизга маълумки, ўзбек халқ достончилигининг тўрт азамат вакили — Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоир ва Абдулла Нурали ўғли 1936 йилда Тошкентга таклиф этилади. Улар пойтахтнинг ўша пайтидаги қиёфаси ва ҳаёти билан обдон танишадилар, илмий муассасалар, завод-фабрикаларда бўладилар, тошкентликлар билан учрашувлар ўтказадилар. Фозил Йўлдош ўғли «Сельмаш» ва тўқимачилик комбинати ишчиларининг шундоққина кўз олдида бадиҳагўйлик билан ажойиб мисралар тўқийди.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг юқорида тилга олинган термалари ҳам худди ана шу вақтда яратилган эди:

Тўрт шоир
келди Тошкентга,
Завқи ҳар
элдан ошганга,
Аввал кеп
кўрмаган бўлса,
Кўриб ақли
адашганга.
Ҳар қайси
ҳар ердан келган,
Нени кўрса,
ибрат олган.
Пасту
баландини кўрса,
Байт қилиб
сўзга солган.
Тошкент
ўзбекнинг шаҳари,
Мудом офтоб
баҳори.
Мовароуннаҳр,
Фарғонада,
Балда[1]ларнинг
эътибори.
Тошкент эли
бўпти обод,
Нозу неъмат,
қанду набот,
Иморати
ҳар нусхадан,
Яхши уйлар
қават-қават...

* * *

Бир манзил,
макондир,
хаёлда эмас,
Ўйласанг,
фикр этсанг,
кўнглига кемас,
Ҳар ким кўрса,
билолмагай
айтмасанг
Ким бўлса айтади:
жаҳонда бўлмас...
Тошкент обод бўпти,
не бир жонолар,
Одам ҳайрон қолар,
катта маконлар,
Шоир, суханварлар
сўзнинг кони-да,
Энди бошлаб янги
усул, достонлар.
Тошкент обод бўлди,
эли шод бўлди,
Лениннинг даврида
кўп обод бўлди.

Эргаш шоир, шунингдек бошқа ўзбек бахшилари яратган Тошкент ҳақидаги термаларнинг эътиборга лойиқ томонларидан бири — шаҳар таърифи, унинг бунчалик обод, кўркам бўлишида улуғ Ленин ва Коммунистик партиянинг буюк ғамхўрлиги ва раҳнамолиги, халқлар дўстлиги ва биродарлиги, ишчилар синфи бунёдкорона ролининг ёрқин акс эттирилишидир.

Эргаш шоирнинг Тошкентга аталган асарларидан яна бири — «Келдим» термасидир.

Кекса шоир:

Районим Нурота,
тоғлар ораси,
Отим Эргаш,
Жуманбулбул
боласи,
Қаридимми десам,
кўнглим қоласи,
Тобора ошади
ёшдан ҳаваси,—

каби қуйма мисралар орқали ўзини танитиб, ҳаёт, ёшлик, қарилик борасида ўзига хос фалсафий фикрлар юритгач, Тошкент таърифига ўтади. Шунда ҳароратли, жўшқин сатрлар қуюлиб келади:

Томоша қилгали
Тошкентнинг эли,
Шу вақтда бўлибди
шаҳарлар гули,
Бир-биридан зиёд
зебо манзили,
Бу гулшанда мен
ҳам
тургали келдим.
Келиб кўрдим
кенгиш,
ёзиқ кўчалар,
Кундуздай
равшандир
юрса кечалар,
Завқ билан
сайр этар
кўп ёш бачалар,
Қувониб, шод бўлиб
юргали келдим.
Тошкент ободлиги
ҳаддидан ошган,
Ўзбекистон
марказига ярашган,
Кўрмаганлар
кўрса ақли тошган,
Хўп қидириб, обдон
билгали келдим.

Чечан шоир Тошкентни таърифлашда давом этар экан, пойтахтнинг ўзига хос қиёфаси ва гўзаллигини айрим характерли деталлар орқали очиб боришга интилади, шаҳарнинг бу даражага етишида бош раҳнамо —партиянинг буюк ролини қайта-қайта таъкидлашга ошиқади:

Партиямиз бош
раҳбари, улуғи,
Жазб этади унинг
ҳар бир қилиғи,
Шундадир ҳақиқат,
сўзнинг илиғи,
Тўғри йўлни кўпроқ
билгали келдим.

Шоирнинг таъкидлашича, Тошкент шундай бир жойки, қари келса яшаради, хаста келса даволанади. Кекса шоир Тошкентнинг уйғоқ ва қайноқ ҳаётидан ўзини янада бардамроқ сезади, унда яшаш, ишлаш ва ижод иштиёқи ортади:

Ҳар ким келса,
бундан шод
бўлиб кетар,
Сил келса, ўпкасин
яраси битар,
Қари келиб кўрса,
шаксиз, ёш этар,
Ёш йигитдек даврон
сургали келдим.
Советларни
Лениндайин
эр қурган.
Бу давлатни
Лениндайин
шер берган.
Бу гулшаннинг
кайфин сизман
биз сурган,
Шу хуш
чоқни достон
қилгали келдим.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, устоз бахшилар бошлаб берган фольклор Тошкентномаси саҳифаларини янги-янги асарлари билан бойитиш кейинчалик ҳам давом этди ва ҳозирги кунимизда ҳам давом этмоқда. Шу ўринда қизиқ бир воқеани эслаб ўтишни истар эдим.

1979 йили Тошкент радиосининг «Ёшлик» редакциясида ўзбек халқ оғзаки ижоди материаллари асосида «Чашма» деб номланган эшиттириш ташкил этилди. Бу эшиттиришда республикамизнинг турли жойларида яшаётган халқ бахшиларининг бир қисми (ёшларидан қатъий назар) иштирок этди. «Чашма» эшиттиришларида бахшилар терма ва достонлари, куй ва қўшиқлари билан чиқиб кўп сонли радиотингловчиларга завқ-шавқ бағишладилар (бунга радиога келган ва бизнинг қўлимизда сақланаётган салкам икки минг хат далил бўла олади), ўзбек фольклорининг ранг-баранглиги, ўзига хос нафосати, жанр имкониятлари кенглигини ёрқин намойиш этдилар. «Чашма» эшиттиришининг программаси талабига кўра, унда иштирок этаётган бахши ўз репертуаридаги термалар ҳамда анъанавий эпос, шу жумладан, «Гўрўғли», «Алпомиш» ва бошқа достонлардан парчалар куйлаш билан бир қаторда Тошкент ҳақида тўқилган термасини айтиши ҳам шарт эди. Тасаввур этинг-а, бахши Тошкентга таклиф этилади, бир-икки кун шаҳар бўйлаб айланиб пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан танишади, кейин... ана шу кўрган-кечирганларидан олган таассуротларини термага солиб, эшиттириш давомида тингловчиларга ҳавола этади. Бахшиларимиз бундай нозик, ўта масъулиятли синовдан муваффақият билан ўтиб, Тошкент мадҳида яхшигина термалар яратишган ва уларни мароқ билан куйлаб, радио тингловчиларни хушнуд этган эдилар...

Шундай қилиб, республика радиосининг катта ташаббуси, «Ёшлик» редакцияси ходимларининг жонкуярлиги билан ўзбек халқ достончиларининг яна бир —ўзига хос оригинал Тошкентномаси яратилган эди. Бу ҳол бахшиларимиздаги бадиҳагўйлик, топқирлик, ҳозиржавоблик, устозлар анъаналаридан ижобий ва ижодий озиқланиш каби ажойиб фазилатларни яққол кўрсата олди. Фикримизнинг исботи учун қашқадарёлик Қодир Раҳим ўғли, самарқандлик Раҳматилла Юсуф ўғли, сурхондарёлик ака-ука Қоравой билан Чори Сафар ўғиллари, тошкентлик Чори Хўжамберди ўғли, наманганлик Раззоқ Қозоқбоев ўғли ва бошқаларнинг республика радиоси орқали эшиттирилган термаларини эслаш кифоя. Қуйида Қодир Раҳим ўғли ва Чори Хўжамберди ўғлининг ана шу ўзига хос радиомушоирада дунёга келган термаларини келтирамиз.

Малик МУРОДОВ,
филология фанлари доктори.

1. Балда— шаҳар.

АДАБИЁТ ва САНЪАТ

МУАЛЛИФЛАРИМИЗНИ ТАНИШТИРАМИЗ

● ЧУСТИЙ (Набихон Хўжаев) —таниқли кекса ғазалнавис шоирларимиздан бири. Унинг илк китоби «Зафарнома» 1939 йилда босилиб чиққан эди. Ўшандан буён ўнга яқин шеърий китоблари чоп этилди. Шоир шеърлари билан айтиладиган кўплаб қўшиқлар ҳам санъат ихлосмандларига яхши таниш. Чустий форс-тожик классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

● Малик МУРОДОВ— филология фанлари доктори, фольклоршунос олим. У кўп йиллардан буён халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, уларни тадқиқ қилиш борасида самарали иш олиб бормоқда. Шу мавзуда яратилган бир қанча китобларнинг муаллифи. Тошкент Давлат маданият институтининг профессори.

● Муҳсин ЗОКИРОВ— филология фанлари кандидати, адабиёт тарихининг турли масалаларига бағишланган тадқиқотлар муаллифи. Мақсуд Шайхзода адабий меросини ўрганиш борасида ҳам изланишлар олиб бормоқда. «Машраб», «Мақсуд Шайхзода» номли рисолалари ва бошқа китоблари чоп этилган.

ЧУСТИЙ:

«ҚАЛБИМГА ҒАЗАЛ ТЎЛҒУСИ ТОШКЕНТ ДЕГАНИМДА...»

ПОЙТАХТ МАДҲИ

Дунёни ёруғ қилгувчи порлоқ саҳарим бор,
Юлдузлар аро завқ ила ҳар тонг сафарим бор,
Ер қаърини ҳам кезгучи ўткир назарим бор,
Ҳар кўчасига мўъжиза тўлган шаҳарим бор,
Комимга асал тўлғуси Тошкент деганимда,
Қалбимга ғазал тўйғуси Тошкент деганимда.

Кўк гумбазидан юксак эрур бунда оқ олтин,
Элнинг бу ҳалол меҳнатидур, сен дема афсун,
Ижоду билим денгизининг бағрида тўлқин,
Олимларининг ҳар бири бир Сайҳуну Жайҳун,
Дил орзуси ҳал бўлғуси Тошкент деганимда,
Қалбимга ғазал тўлғуси Тошкент деганимда,

Кошоналари ўнди қуёш, ўнди тўлин ой,
Доҳийнинг улуғ ҳайкалига сийнасидир жой,
Ҳар кўчасида тоза ширин қаймоғ оқар сой,
Чойхоналари жаннату кавсар суви кўк чой,
Комимга асал тўлғуси Тошкент деганимда,
Қалбимга ғазал тўлғуси Тошкент деганимда,

Эл бир-бирига дўсту азиз, фикри муқаддас,
Мармар йўли сержилва, сира боғида йўқ хас,
Дўстлик-ла жаҳон қизларига кийдирур атлас,
Камлик қиладир мадҳига юз мингча мухаммас,
Ҳар шеърим асал бўлғуси Тошкент деганимда,
Қалбимга ғазал тўлғуси Тошкент деганимда.

Иккинчи шаҳар ер тагида, лиқ тўла мардум,
Серзавқ эрур қалбида нур, лабда табассум,
Айлаб учадур нур қуши ҳар лаҳза таранну́м,
Қиш йўқ бу шаҳар ичра, ёқимли жуда мавсум,
Комимга асал тўлғуси Тошкент деганимда,
Қалбимга ғазал тўлғуси Тошкент деганимда.

Жон дўстлари бир тан аро худди дилу жон,
Гўёки фалак, ою қуёш, юлдузу осмон,
Мустаҳкам эрур ҳар бирида аҳд ила паймон,
Меҳмондиру мезбони эрур ҳар бири ҳар он,
Комимга асал тўлғуси Тошкент деганимда,
Қалбимга ғазал тўлғуси Тошкент деганимда.

Минг ўргиладур боғларидан Сочи ҳавоси,
Минг турли ширин мевалари дору давоси,
Булбулни ширин лаҳжасидан тотли навоси,
Жон бахш этадир танбуру чилдирма садоси,
Комимга асал тўлғуси Тошкент деганимда,
Қалбимга ғазал тўлғуси Тошкент деганимда.

Ким келса сира кетгуси келмас бу шаҳардан,
Эр хулқи ширин қанд ила ҳалвою шакардан,
Ҳар сўзи ҳалол меҳнату ҳаққоний зафардан,
Мингдан бири бу таърифни этгувчи асардан,
Комимга асал тўлғуси Тошкент деганимда,
Қалбимга ғазал тўлғуси Тошкент деганимда.

Тарихи йилин деди муаррихлар икки минг,
Ер куррасини айланибон барчага айтинг,
Тўй завқи билан қалбига нур тўлди элимнинг.
Ёқмайди уруш пашшалари айласа ғинг-ғинг,
Тинчлик-ла гўзал бўлғуси Тошкент деганимда,
Достону ғазал тўлғуси Тошкент деганимда.

Қудратли, садоқатли баҳодир тўла Тошкент,
Зўр мўъжизалар илмига моҳир тўла Тошкент,
Тинчлик ишига ботиру нодир тўла Тошкент,
Раққосаю, хонандаю, шоир тўла Тошкент,
Чустий, сўз асал бўлғуси Тошкент деганимда,
Қалбимга ғазал тўлғуси Тошкент деганимда.

КАМОЛИНГ БОР СЕНИНГ

Эй Ватан, комимда болинг бор сенинг,
Эл учун мангу висолинг бор сенинг,
Беҳисоб ризқи ҳалолинг бор сенинг,
Фитнажўйларга саволинг бор сенинг,
Йўқ заволингу камолинг бор сенинг,
Ёру дўсти бемалолинг бор сенинг.

Юксак айвонинг мунаққаш осмон,
Арзигай саҳнинг десам рўйи жаҳон,
Ер юзини жаннати, дориламон,
Бизни арзир десалар жаннатмакон,
Йўқ заволингу камолинг бор сенинг,
Тенги йўқ зебо жамолинг бор сенинг.

Беҳисоб шайдоларинг, барноларинг,
Сербилим аълоларинг, доноларинг,
Бағри кон тупроғи зар саҳроларинг,
Кўп қаро олтин-ла оқ тиллоларинг,
Турли ганжи бемисолинг бор сенинг,
Йўқ заволингу камолинг бор сенинг.

Сувларинг ҳар томчиси оби-ҳаёт,
Йўқ эрур халқингда ваҳми пулсирот,
Элга бағринг кони шафқат, илтифот,
Сенга ким от сурди ўзи бўлди мот,
Элга бағринг кони шафқат, илтифот,
Йўқ заволингу камолинг бор сенинг,

Ер юзида қудратинг тимсоли йўқ,
Йўқ ғараз, ҳеч кимсага йўқ сенда дўқ,
Сенга ким ўқ отмаса отмайсан ўқ,
Таърифинг минг турли тилларда қўшиқ,
Кўк ўпар байроғи олинг бор сенинг,
Йўқ заволингу камолинг бор сенинг,

Сен муқаддас иттифоқлик маркази,
Меҳрибонлик, кўнгли оқлик маркази,
Бахту толе, бағри тоғлик маркази,
Завқу илҳом, вақти чоғлик маркази,
Беҳисоб мафтуну лолинг бор сенинг,
Бағрида, Чустий, камолинг бор сенинг.

Тошкентдаман

Жону тан бирлан Ватан пайванд мураккаб бир бадан,
Меҳнату роҳатни бир сезгай Ватан ҳам жону тан.
Сув, ҳаво, тупроғу ўтдек бир-бирин ҳамкоридур,
Бўлмаса гар биттаси на эл бўлур, на бу ватан.
Ранг-баранг гулларга ўхшатмиш табиат ҳар бирин,
То жаҳон бор яшнасин, ҳеч сўлмасин ушбу чаман.
Бахту иқболи саодат эрку омад гулларин,
Бу чамандан топғуси ҳар бир самимий излаган.
Бу чаманда лолалар қурбон ўғлонлар қонидур,
Гуллари, боққан ёмон кўзларга гўёки тикан.
Раста-раста қад кўтарган дўстлик шамшодлари,
Тинч-омонлик тонгида булбуллари ширин сухан.
Яшнатур, кенгайтирур, боғбонларига жон фидо,
Кучлидир порлоқ қуёши унга келтирмас туман.
Фахр этарман, ушбу гулшан сийнасида жилвалик,
Ер юзин халқига гул тутган азиз юртим экан.
Икки минг йиллик тўйига ёзгали тўйхат шошил,
Жумла оламга дегил тўйга келинг дўстлар билан.
Қайдасан Чустий десанг, илҳом қизи, кел ахтариб,
Ўзбекистон пойтахти навқирон Тошкентдаман.

Дейди эл

Бўлса гар инсофу виждонинг чин инсон дейди эл,
Эл ишончини қозонсанг марди майдон дейди эл.
Халқу юрту хонадонинг ичра ҳурмат топмасанг,
Гар фаришта ман десанг, бебурд шайтон дейди эл.
Кийгил одоб тожини бошингга бўлсанг ҳам гадо,
Муҳтарамлик тахтида гўёки султон дейди эл.
Ё ишинг, ёки сўзингдан топса малҳам дардига,
Таъзим айлаб сенга ҳар бир лаҳза Луқмон дейди эл.
Яхшилик мулкида дилларни мусаххар айласанг,
Бу йигит олижанобу пок виждон дейди эл.
Ҳар нафас ўзгарса фикринг, бўлмасанг собит қадам,
Ўз йўлини топмаган, ҳар йўлда сарсон дейди эл.
Бўлмаса сендан агар аҳли аёлинг шодмон,
Бу такаббур кўча хандон, хона зиндон дейди эл.
Дўстлик, тинчлик йўлида айласанг жонбозлик,
Ҳар нафас садқанг бўлиб, биз сенга қурбон дейди эл.
Охири умринггача Чустий чекинма, хизмат эт,
Суди йўқ умр ўтказиб, бўлма пушаймон дейди эл.

Бахтли болалик ҳақида қўшиқ айтиш ширин-шакар фарзандларимизга ярашади. Улар қўшиқлар айтиб, рақслар ижро этиб фаровон турмушимизни ифодалашади.

Х. Мирзакаримов фотоэтюди.

Қодир РАҲИМ ўғли

«ЖАМОЛИНГГА ОЙ ТЕРМУЛИБ ҚОЛАДИ...»

Сени кўриб кимлар қалам олмаган,
Илҳомсизга илҳом берган, Тошкентим.
Оламда йўқ сенинг номинг билмаган,
Мана мен деб кўкрак керган, Тошкентим.

Кўчангга тўшабсан дурдан гиламни,
Саховатдан гулга бердинг инъомни,
Сени кўрсам, кўргандайман онамни,
Фарзандингга кўксинг очган, Тошкентим.

Олимларинг юлдузларга боқади,
Шоирларинг нурни гулдек тақади,
Деҳқонларинг даштда машъал ёқади,
Ўғлонларга меҳри сочган, Тошкентим.

Жавоҳирлар сендан улгу олади,
Бир кўрган кўрсам, деб ҳавас қилади.
Жамолингга ой термулиб қолади,
Табиатни шайдо қилган Тошкентим.

Жаҳон гўзаллиги йиғилиб келиб,
Ҳар бири нақшини кўксингга илиб,
Кунда бир яшарсан, қуёшдай бўлиб,
Сулувлардай сулув бўлган Тошкентим.

Чори ХЎЖАМБЕРДИ ўғли

ОФАРИН

Тошкент келдим, чор тарафи йўл экан,
Йўлларига чирой берган гул экан.
Икки ёнда қатор-қатор расталар,
Бозорида нозу неъмат мўл экан.

Кишилари ўқимишли, келишган.
Рўзғор учун тинчимасдан елишган.
Чумолидек ўз улушин орқалаб,
Деҳқонларнинг меҳнатини билишган!

Бунда кўрдим осмонўпар бинони,
Кўрганларнинг сира йўқдир армони,
Оромижон боғларини оралаб,
Бунда кўрдим зали улкан кинони!

Дўмбирамни олдим дарров қўлимга,
Қулоқларин бураб солдим йўлимга,
Бўзлай кетди Тошкентимни таърифлаб,
Машҳур бўлсин дея бутун оламга.

Охир миндим йўрға отнинг белига,
Кўзим тушди Тошкент — Бўка йўлига
Чори шоир, юртин кўриб айландинг,
Офарин деб Ўзбекистон элига.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29 МАРТ СОАТ 19.30 да.

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Ортиқ ОТАЖОНОВ,
Гулсара ЁҚУБОВА

Солистлар опа-сингил Олмагул ва Урбугул СУИЕРБОЕВАлар, Мавлуда ОИНАҚУЛОВА, Қўзибой ШЕРМАТОВ, Нурилла ЖУМАНИЁЗОВ, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Фируза СОЛИҲОВА, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА, Фируза МИРҲАМИДОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ғиёлой ИБОДУЛЛАЕВА олиб боради.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Мусиқа раҳбари — Асқарали ХИДИРОВ.

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ

ТУРИСТИК ПУТЁВКАЛАРИНИ ТАРҚАТИШ БЮРОСИ

ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА БУТУНИТТИФОҚ МАРШРУТЛАРИГА

ПУТЁВКАЛАР ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

1 — Москва, «Измайлово», «Салют» туристик меҳмонхоналари — 26 март, 1, 5, 7, 9, 17, 18, 24 апрель, 3, 6, 17, 19, 22, 27-майдан 12 кунга. Путёвка баҳоси — 142 сўм.

198 — Новгороддан Москвагача — 13, 21 апрелдан 18 кунга. Путёвка баҳоси — 159 сўм.

405 — Россия марказининг тарихий жойлари бўйлаб — 13 май, 18 июнь, 24 июль, 29 август, 14 сентябрдан 18 кунга Путёвка баҳоси — 190 сўм.

195 — Қадимий рус шаҳарлари ва Ленинград бўйлаб — 19, 28 майдан 21 кунга. Путёвка баҳоси — 158 сўм.

40 — Ленинград. «Енисей» меҳмонхонаси — 10 апрелдан 6 кунга. Путёвка баҳоси — 40 сўм.

42 — Ленинград. «Енисей» меҳмонхонаси — 12 апрелдан 10 кунга. Путёвка баҳоси —110 сўм.

368 — Белоруссиядан Болтиқ денгизига — 25 апрелдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 135 сўм.

21 — Украина — Москва — 27 апрель, 9 май, 11 декабрдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 196 сўм.

222 — «Дойна» туристик базаси (Молдавия) — 11 майдан 18 кунга. Путёвка баҳоси — 99 сўм.

300 — Украина ва Молдавия бўйлаб — 26 апрелдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 102 сўм.

644 — Полтавадан Одессага — 15 апрелдан 18 кунга. Путёвка баҳоси — 130 сўм.

672 — Днестр-Дунай — Қора денгиз — 16, 26 апрелдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 115 сўм.

172 — Закарпатье-Львов — 1 апрелдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 108 сўм.

732 — Гуцуль бўйлаб (пиёда) — 27 июнь, 26 июль, 26 август, 16 сентябрдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 92 сўм.

52 — Кисловодск — Нальчик — 4, 21 апрелдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 130 сўм.

177 — Дағистоннинг олтин пляжларига — 28 май, 28 июнь, 28 июль, 28 август, 6 сентябрдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 112 сўм.

311 — Шимолий Кавказ курортлари бўйлаб — 22 апрелдан 18 кунга. Путёвка баҳоси 127 сўм.

324 — Эльбрус ёнбағирларига — 11, 21 май, 16, 26 июнь, — 24 июль, 31 августдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 130 сўм.

328 — Кавказ минерал сувлари курортларидан Тинч оқар Донга — 2, 18, 20, 26 апрель 16, 18 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 130 сўм.

340 — Приэльбрусье. «Чегет» туристик меҳмонхоси — 24 апрель, 8, 9, 25 майдан 15 кунга. Путёвка баҳоси — 106 сўм.

30 — Ғарбий Кавказ бўйлаб — 26 июнь, 26, 31 июль, 17, 27 августдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 79 сўм.

42 — Ҳарбий-Осетия йўли — 27 июнь, 26 июль, 27 августдан 22 кунга. Путёвка баҳоси — 102 сўм.

88 — Твибери довони ошa — 27 июнь, 17, 26 июль, 16 августдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 105 сўм.

319 — Кавказ тоғлари олди-Қора денгиз — 16, 24 июнь, 8 июль, 17 сентябрдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 93 сўм.

45 — Закавказье бўйлаб — 7 апрель, 7 майдан 21 кунга. Путёвка баҳоси — 151 сўм.

60 — Арманистон ва Грузия бўйлаб — 14, 15, 24 апрелдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 120 сўм.

63 — Грузия ва Арманистон бўйлаб — 14 апрель, 17 май, 23 августдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 146 сўм.

65 — Арманистондан Ажарияга — 12 апрелдан 20 кунга Путёвка баҳоси — 138 сўм.

83 — Зекарск довони — 8 июнь, 27 июль, 17 сентябрдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 110 сўм.

128 — Арманистондан Каспий денгизига — 25 май, 27 июнь, 17 август, 22 сентябрдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 114 сўм.

129 — Озарбайжон бўйлаб саёҳат — 25 май, 8 июнь, 7, 16 августдан 19 кунга. Путёвка баҳоси — 110 сўм.

449 — Арманистондан Каспий денгизига — 27 май, 15 июнь, 27 июлдан 21 кунга. Путёвка баҳоси — 138 сўм.

548 — Арманистондан Қора денгизга — 7 апрелдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 128 сўм.

Путёвка баҳосига овқатланиш, яшаш, экскурсия хизмати ҳақлари киради.

БУТУНИТТИФОҚ МАРШРУТЛАРИ БЎЙИЧА ПУТЁВКАЛАР ҲАҚИДА ТЎЛИҚ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТУРИСТИК ПУТЁВКАЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЮРОСИГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

БЮРО СОАТ 9.00 дан 21.00 гача ДАМ ОЛИШ КУНИСИЗ ИШЛАЙДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 115-уй («Саёҳат» меҳмонхонаси ёнида).

ЯҚИНДА ШАҲРИМИЗДА

ЯНА БИР УНИВЕРСАМ ОЧИЛДИ

БУ — ФРУНЗЕ РАЙПИШҚЕТОРГИГА ҚАРАШЛИ 9-МАГАЗИНДИР.

Магазинда гастрономия, баққоллик, кондитерлик, нон-булка, сут маҳсулотлари, шу хилдаги товарлар бўлимлари бор.

Магазиндаги ҳамма нарса савдо ходимларининг шу кунги асосий вазифаси — харидорлар вақтини тежаш, товарларни харид қилишда улар учун барча қулайликларни яратишга қаратилган.

Магазин бўлимларидаги товарларнинг ассортименти билан яқиндан танишиш мақсадида магазинда ўзўзига хизмат кўрсатиш усули жорий этилган.

Магазиннинг иш вақтлари — соат 8.00 дан 21.00 гача.

Танаффус — соат 14.00 дан 15.00 гача.

Магазиннинг адреси: Тошкент шаҳри, Абдуллаев кўчаси, 9-уй (Чернишевская ва Абдуллаев кўчалари чорраҳасида). Магазинга 77-автобусда, 11-троллейбусда бориш мумкин — «Абдуллаев кўчаси» бекати.

УНИВЕРСАМГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ҳ. ҒУЛОМ асари. М. ЛЕВИЕВ музикаси.

«МАНГУЛИК»

(Икки пардали музикали драма)

Саҳналаштирувчи-режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Баҳтиёр ИХТИЕРОВ.

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Набн ХАЛИЛОВ.

Хормейстер — Комилжон САЪДУЛЛАЕВ.

Рассом — А. Г. ЖИБОЕДОВ.

Балетмейстерлар — Ш. АҲМЕДОВ, Ю. ИСМАТОВА.

РОЛЛАРДА:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: М. ҒОФУРОВ, Ф. РАҲМАТОВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: А. АБДУРАҲМОНОВ, А. ЮСУПОВ, С. ПЎЛАТОВ, А. МИРЗАЕВА, Н. ПЎЛАТОВА, М. ИХТИЕРОВА, Ҳ. ШАРИПОВ.

Солистлар: М. ҲОЖИМАТОВА, Ф. АҲМЕДОВ, Ҳ. НОСИРОВ, С. РАҲИМЖОНОВ, Ф. ФАЕЗОВ, Ш. РЎЗИҚУЛОВ, М. ҲУСАИНОВА, А. САЛИМОВА, О. ҒОЗИЕВА, Р. МАДИЕВ, Т. БЕКНАЗАРОВ, Н. РУСТАМОВ, А. ОДИЛОВ, М. САЛИМОВ, Р. САЛИҲОВ, М. ҚУРБОНОВА, М. ТЕШАБОЕВА ва бошқалар.

Оммавий саҳналарда театрнинг хор ва балет труппаси қатнашади.

Спектаклни — Р. МУҲИДДИНОВА ва Р. ҚУРБОНОВлар олиб боради.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

28/III да **Уйғудаги ғўзал** (19.30).

29/III да **Уйғудаги ғўзал** (12.00).

Севги тумори (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/III да **Ҳар тўнисда бир айб** (11.00), **Кузнинг биринчи куни** (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 28/III да **Хотинимнинг эри.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **мактаб ўқувчиларининг баҳорги** каникул кунларида болалар учун «Кентавр планетасидан келган меҳмонлар» фантастик спектакли (13.00, 16.00 ва 19.30).

КИНО

28 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КЕЧИР, АРУНА!» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.20, 20.30, телефон 44-21-74), **Нуқус** (21.00, телефон 46-70-69).

«УИЛАНГАН БУЙДОҚ» — **Ватан** (жуфт соатларда), **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«ШАҲАРНИ ЕПГАН КИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-61-14), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Санъат саройи** (кичик зал, 19.30, 21.00, телефон 44-21-74).

«БОҚИЙ СЕВГИ МАДҲИЯСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (18.30, 21.00, телефон 78-47-25).

«СОЯБОН ЗАРБИ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ЗОРРО» — **Қозоғистон** (18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ХИТОЙ СИНДРОМИ» — **Қозоғистон** (17, 20.00, телефон 35-24-92).

«ҚОЧОҚ ИЗИДАН» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«36-80 КВАДРАТИДАГИ ҲОДИСА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ҚОРАЯЛОҚЛАР» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«СПОРТЛОТО — 82» — **Фестиваль** (тоқ соатларда, телефон 32-78-02).

«МУҲАББАТ МОЖАРОСИ» — **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

«СУЮНЧИ» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00, телефон 48-42-80).

29 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КЕЧИР, АРУНА!» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.20, 20.40; телефон 44-21-74).

«ШАҲАРНИ ЕПГАН КИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-61-14), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Санъат саройи** (кичик зал, 19.30, 21.00, телефон 44-21-74).

«БОҚИЙ СЕВГИ МАДҲИЯСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 78-47-25).

«СОЯБОН ЗАРБИ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ЗОРРО» — **Қозоғистон** (12, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ХИТОЙ СИНДРОМИ» — **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00, телефон 35-24-92).

«ҚОЧОҚ ИЗИДАН» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«36-80 КВАДРАТИДАГИ ҲОДИСА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ҚОРАЯЛОҚЛАР» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«СПОРТЛОТО — 82» — **Фестиваль** (тоқ соатларда, телефон 32-78-02).

«МУҲАББАТ МОЖАРОСИ» — **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

«СУЮНЧИ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 48-42-80).

ТВ

28 МАРТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 «Стадион ҳамма учун». 19.00 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». 19.30 «Таллиннинг музикали манзаралари». Таллиндан олиб кўрсатилади. 19.55 Футбол шарҳи. 20.25 «Карл Маркс. Навқиронлик йиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 21.30 «Время». 22.00 «Московские новости» газетасининг соврини учун спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Халқаро театр куни».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «1 апрелдан ёзги вақтга ўтилади». 19.00 «Сиз яратган боғ». 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.00 «Фома Гордеев». Бадиий фильм. 23.35 Телевизион ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ўсмир ва қонун». 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат». 19.00 «Косонсой тароналари» (рус.). 19.30 «Аҳборот» (рус.). 19.45 Телевизион новеллалар театри. М. Горький. «Макар Чудра». 20.30 «Аҳборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.15 «Виждон». Бадиий фильм. 23.35 Янгиликлар.

II

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Қизиқувчилар экрани». 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қизлар даврраси» (8 мартдаги кўрсатув тақрорланади). 21.20 «Нодир дарахтзорда». Телевизион фильм. 21.30 МТ II.

29 МАРТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 Мультфильмлар: «Қуённинг ҳаммомчиси», «Гришканинг китобчалари», «Филнинг орзуси бор эди». 10.00 «Мен — бугун ва эртага». Мактаб ўқувчиларининг касбларга доир конкурси. 10.45 «Карл Маркс. Навқиронлик йиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 11.50 П. И. Чайковский. Симфоник оркестр ижроси учун 3-сюита. Горький филармониясининг симфоник оркестри ижро этади. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Янги қишлоқ — «Сельцо». Ҳужжатли фильм. 15.30 «Грин мамлакатининг одами». Болалар учун телевизион спектакль премьераси. 2-қисм. 16.45 «Звездочёт». Телевизион журнал. 17.30 Тўпли хоккей бўйича СССР кубоги. Финал группалари командаларининг матчи. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 18.15 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 18.45 «Леонид Сметанников рус қўшиқларини куйлайди». Фильм-концерт. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан ва турмуш». «Антарктидага экспедиция». 20.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Рожков чалади (Балалайка). 20.25 «Карл Маркс. Навқиронлик йиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 21.30 «Время». 22.05 И. Штраус номли Вена камер оркестрининг концерти. Бадиий раҳбар ва дирижёр — П. Гут (Австрия). 23.05 «Спорт ҳафталиги». 23.35 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Мўъжизалар куни». Болалар учун фильм-концерт. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари». 19.00 «Беш йилликнинг зарбдор қурилишларида». Андижон сув омбори (рус.). 19.30 «Аҳборот» (рус.). 19.45 Ғафур Ғулом туғилган куннинг 80 йиллигига. «Ижод гулшани». Телевизион журнал. Кўрсатувни Ҳамза номидаги Республика мукофотининг лауреати А. Орипов олиб боради. 20.30 «Аҳборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси торли квартетининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чигит экишни сифатли ўтказайлик». 22.25 «Сирли роҳиб». Бадиий фильм. 23.45 Янгиликлар.

«МАЛЫШ» ЯНГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ

Статистикага мурожаат қилайлик. Ҳар секундда ер шарида учта чақалоқ дунёга келади. Тошкентда ўтган йили 38 минг 700 бола туғилди!

Инсоннинг дунёга келиши — нақадар қувончли воқеа! Биринчи кунларданоқ гўдак учун турли хилдаги кўплаб буюмлар — кийим, чойшаб, одеяллар, сайр учун аравачалар керак бўлади.

Кичкинтойлар учун барча зарур буюмларни Большевик кўчаси, 6«а»-уйда, Халқлар дўстлиги саройи ёнида яқиндагина очилган янги «Малыш» ихтисослаштирилган магазинида сотиб олишингиз мумкин.

САВДОДА ҚУЙИДАГИЛАР МАВЖУД:

янги туғилганлар учун — мамлакатимиз ва чет элларда ишлаб чиқарилган комплектлар. Баҳоси — 11 сўм 89 тийин, 18 сўм, 22 сўм, 35 сўм;

пахтали кўрпалар. Баҳоси — 19 сўм 80 тийин;
ип-газлама кўйлакчалар. Баҳоси 1 сўм 45 тийин;
ползункалар. Баҳоси — 1 сўм 60 тийин.



«МАЛЫШ» ихтисослаштирилган магазинга қуйидагича бориш мумкин: 7, 11, 43, 62, 59, 76- автобусларнинг «Комсомол» метро станцияси бекати.

Магазин 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Танаффус — 14 дан 15.00 гача.
Дам олиш куни — душанба.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

«ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ёритиш бўйича электромонтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандчи, иккиламчи занжирли коммутация бўйича электромонтажчи, лифтларни монтаж қилиш бўйича слесарь-монтажчи, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишларини биладиган), **радиотелевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик** (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади).

Ўқиш муддати — бир, икки ва уч йил.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Билим юртига 8 синф ҳажмида маълумот билан кирганлар уч йил таълим оладилар ва уларга касб эгаллаганлиги ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар ҳар ойда 76 сўм. дан стипендия оладилар (киномеханик ва радиотелемеханикдан ташқари).

Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақининг 33 процента ўқувчиларга берилади (электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига эса 50 процента берилади).

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирсалар, улар учун ўқиш муддати қисқартирилади: ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса 10.5 ой.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар корхоналарда мажбурий ишни ўтамасдан ўрта ва олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттириш учун йўлланма билан юборилади.

Билим юртида яхши спорт базаси мавжуд. 14 та спорт секциялари, шунингдек техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлайди.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), **ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома** (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 58, 66, 70, 79-автобуслар, 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Тошкент шаҳар Совети Ижроия Комитети савдо Бош бошқармаси

«ЁШЛИК» — МАКТАБ-МАГАЗИНИ

контролёр-кассирлар тайёрлаш бўйича

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА

озиқ-овқат товарларни билан савдо қилувчи кичик сотувчиларни тайёрлайдиган

4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8— 10 синф ҳажмида маълумотли, 16 ёшдан 25 ёшгача, Тошкент шаҳрида доимий прописка си бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

«Ёшлик» мактаб-магазинини тамомлаганлар катта магазинларга ишга юборилади ва уларга имтиёзли равишда совет савдо техникумининг кечки бўлимига ўқишга кириш имконияти берилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 9, 1, 10, 24-трамвайлар; 39, 22, 55, 3, 80-автобусларнинг «Госпиталь» бозори» бекати). Справкалар учун телефон 33-75-48.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчи, қандолатчи, новвой, совутиш қурилмалари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик, нон ёпиш саноати машина ва ускуналари созловчилари, саноат ускуналарининг ремонтчи-слесарлари (нон заводлари учун).

Ўқиш муддати — 10 синф маълумоти билан — бир йил, 8-синф маълумоти билан — 3 йил.

Билим юртига 8 синф маълумоти билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, формали кийим-бош, яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 33 процента миқдорида пул мукофоти оладилар.

10 синф ҳажмида маълумотга эга ўқувчиларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

Билим юрти қошида кечки мактаб ишлаб турибди. Турли спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик ва бошқа тўгараклар мавжуд.

Билим юрти битирувчиларига ихтисоси бўйича 3—4 разряд берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртига юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:

директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати, 21, 49-автобусларнинг «2-нон заводи» бекати).

Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси коллективи шу станция энтомологи А. Исоқовга онаси

Зулфия БАДАЛМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Октябрь район ошхоналар трести маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари трестнинг кекса ишчиларидан бири, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси

Суннат АКРАМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

---

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02. бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

28 МАРТ. 1983 й. Р — 10166. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.